بِسۡمِ ٱللَّهِ ٱلرَّحۡمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ

**Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан**

234

# Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги

**1-жилд**

**Андишаи нур муассасасининг
муаллифлар гуруҳи**

AL-Mustafa International
Publication and Translation Center

| | |
|---|---|
| عنوان و نام پديدآور: | Курьони Карим маьноларини ўрганиш дарслиги/ Андишаи нур муассасасининг муаллифлар гуруҳи. |
| مشخصات نشر: | Ношир: Ал-Мустафо=1389-,2010- |
| مشخصات ظاهري: | (۴ج) جدول. |
| شابك: | (ج۱) 978-964-195-181-0 ـ (دوره) 978-964-195-182-7 |
| وضعيت فهرست نويسي: | فيپا |
| يادداشت: | تركي ازبكي |
| يادداشت: | عنوان به فارسي: آموزش مفاهيم قرآن كريم. |
| آوانويسي عنوان: | قرآن كريم مانول... |
| موضوع: | قرآن ــ راهنماي آموزشي؛ قرآن ــ آزمونها و تمرينها |
| شناسه افزوده: | انجمن انديشه نور |
| رده بندي كنگره: | BP 65/2/ق4 1389 |
| رده بندي ديويي: | ۲۹۷/۱۰۷ |
| شماره كتابشناسي ملي: | 2061924 |


# Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги


Андишаи нур муассасасининг муаллифлар гуруҳи

**Ношир:** Ал-Мустафо номли халқаро илмий академиянинг таржима ва нашр этиш маркази

**Босмахона:** Тавҳид

**Чоп навбати (Биринчи):** 2010-1431-1389

**Адади:** 1000

**Бетлар сони:** 128



**©Китобнинг барча ҳуқуқлари ношир зиммасидадир.**



**Сотув маркази:**

● Эрон, Қум, Шаҳидлар майдони, Ҳужжатия хиёбони, Ал-Мустафо номли халқаро илмий академиянинг таржима ва нашр этиш маркази. **Телефакс**: 0098 251 7730517

● Эрон, Қум, Муҳаммад Амин булвари, Солория, Ал-Мустафо номли халқаро илмий академиянинг таржима ва нашр этиш маркази. **Телефакс**: 0098251 2133106

www.miup.ir , www.eshop.miup.ir

E-mail: admin@miup.ir, root@miup.ir

# Ношир сўзи

﴿وَ لَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ﴾

*«Дарҳақиқат, Биз Қуръонни эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Демак, бирор эслатма олгувчи борми? ». (Қамар 17- оят)*

Агар эшитиш учун қулоқ, кўриш учун кўз ва англаш учун ақл-онг мавжуд бўлса, башариятнинг сўнгги саодат йўлини кўрсатадиган ва доимо инсонни Ҳақ таолонинг даргоҳига яқинлаштирадиган Оллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръон Каримнинг тиловат қилинаётгандаги ёқимли оҳангидан устун ва гўзал қайси бир каломни топа олиш мумкин?

Сизнинг қўлингиздаги қадриятли илмий асар, ўзбек тилида Қуръон Карим маъноларини ўрганиш мақсадида таржима ва таълиф этилди.

Ал-Мустафо номли халқаро илмий академиянинг таржима ва нашр этиш маркази Ўзбекистоннинг Андишаи нур номли муассасанинг муаллифлар гуруҳига ушбу асарни ёзгани сабабли ўз ташаккур ва миннатдорчилигини билдириб, ушбу асарни ақл-идрок эгаси бўлмиш барча имонли инсонларга тақдим этади.

# мундарижа


**Кириш..........................................................................11**

**1. Қуръон ........................................................................15**

**Оллоҳни таниш китоби....................................................15**
Таниш сўзлар......................................................................16
Янги сўзлар.........................................................................17
Машқлар .............................................................................17

**2. Оллоҳ Оламнинг Парвардигори ......................................21**
Таниш сўзлар......................................................................22
Янги сўзлар.........................................................................23
Машқлар .............................................................................23

**3. Оллоҳга ҳамду сано ва мақтов .........................................27**
Таниш сўзлар......................................................................28
Янги сўзлар.........................................................................29
Машқлар .............................................................................29

**4. Мўъминларнинг дўсти ва сарвари ....................................33**
Таниш сўзлар......................................................................34
Янги сўзлар.........................................................................35
Машқлар .............................................................................35

**5. Қуръон - ҳидоят китоби ...................................................39**
Таниш сўзлар......................................................................40

Янги сўзлар....................................................41
Машқлар........................................................41

**6. Қиёмат - қайта тирилиш....................................45**
Таниш сўзлар..................................................46
Янги сўзлар....................................................47
Машқлар........................................................47

**7. Пайғамбарлар-меҳрибон муаллим.......................51**
Таниш сўзлар..................................................53
Янги сўзлар....................................................53
Машқлар........................................................54

**8. Ўзимизни текширайлик.........................................57**
Машқлар........................................................58

**9. Илоҳий Пайғамбарлар............................................67**
Таниш сўзлар..................................................68
Янги сўзлар....................................................69
Машқлар........................................................69

**10. Пайғамбарлар даъвати..........................................73**
Таниш сўзлар..................................................75
Янги сўзлар....................................................75
Машқлар........................................................76

**11. Қуръон - ҳидоят йўли ва абадий мўъжиза.................79**
Таниш сўзлар..................................................80
Янги сўзлар....................................................81
Машқлар........................................................82

**12. Оллоҳ яхшироқми ёки мушриклар ибодат қиладиган нарсаларми?........................................................85**
Таниш сўзлар..................................................87
Янги сўзлар....................................................87
Машқлар........................................................88

**13. Олам - Оллоҳнинг белгиси...................................91**
Таниш сўзлар..................................................93
Янги сўзлар....................................................93
Машқлар........................................................94

**14. Тақво ва имон ........................................................................ 99**
Таниш сўзлар........................................................................ 101
Янги сўзлар........................................................................ 101
Машқлар ........................................................................ 102

**15. Оллоҳ, Пайғамбарлар ва Охират Куни.............................. 107**
Таниш сўзлар........................................................................ 109
Янги сўзлар........................................................................ 109
Машқлар ........................................................................ 110

**16. Ўзимизни текширайлик........................................................ 113**
Машқлар ........................................................................ 114

**Сўзларнинг алифбо тартибидаги мундарижаси..................... 121**

# Кириш

Қуръони Карим Оллоҳ таъоло томонидан юборилган охирги илоҳий китоб бўлиб, барча инсонлар саодатли, бахтли ҳаёт кечиришлари учун энг мақбул йўлларни кўрсатиб берган. Шунинг учун улар доимо Қуръон таълимоти ва кўрсатмаларидан фойдаланиб, тўғри ва ҳақ йўлни топишга, яшаб турган даврларининг залворли ҳамда буҳронли шароитида ўз дардларини даволашга муҳтождирлар. Оллоҳ таъоло Қуръони Каримда бу ҳақда шундай буюради:

﴿يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُم مَّوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَ شِفَاءٌ لِّمَا فِي الصُّدُورِ وَ هُدًى وَ رَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ﴾

*«Эй инсонлар, сизларга Павардигорингиз томонидан панд-насиҳат ва қалбларингиздаги нарсаларга шифо ва мўъминлар учун ҳидоят ва раҳмат* (*Қуръон*) *келди»* (*Юнус57-оят*)

Мазкур ояти шарифадан маьлум бўладики, инсонларнинг ҳаётини аччиқ қилган ва уларнинг яшашга интилиб, қизиқишига тўсқинлик қилган, бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг яшашга бўлган

умидларини сўндириб, уларни ҳаётдан безор қилган, жамиятнинг кўринмас ботиний дардларига шифо бергувчи нарса, шак-шубҳасиз, фақатгина Оллоҳнинг охирги китоби бўлмиш Қуръони Каримдир. Шундай экан, Қуръони Карим биринчи навбатда, маросимларни ўтказиш ва ота-боболарнинг руҳларини шод қилиш учунгина тиловат қилинмасдан, бу дунёда бахту - саодатли, иззатли ва юксак инсоний ҳаёт кечиришимиз учун ҳамда охират куни Оллоҳнинг ҳузурида амалларимиз ҳисоб-китоб қилинаётганда шармандаю шармсор бўлмай, юзимиз ёруғ бўлиши учун ўқиб ўрганадиган зарурий китобдир.

Шундай экан, Қуръонни тушуниб етиш ва унинг ҳар бир ояти ҳақида фикр юритиш, ундан панд-насиҳат ва ибрат олиш, Оллоҳнинг Қуръондаги кўрсатмаларидан баҳраманд бўлиш ва шунинг оқибатида ҳар бир киши ўзининг дунё ва охиратини обод қилишига баҳоли қудрат кўмаклашиш мақсадида қўлингиздаги «Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги» деб номланган китоб тайёрланди. Бу борада диққатингизни Қуръоннинг баъзи оятларига қаратамиз:

﴿وَ لَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْءَانَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِن مُّدَّكِرٍ﴾

*«Дарҳақиқат, Биз Қуръонни эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Демак, бирор эслатма олгувчи борми?».* (*Қамар 17- оят*)

﴿وَ يُبَيِنِ ءَايَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُون﴾

*«Ва* (*Оллоҳ таъоло*) *Ўз оятларини инсонлар учун баён қилади, шояд улар* (*ушбу оятлар билан*) *эслатма олурлар ».* (*Бақара 221- оят*)

﴿وَ تِلْكَ الْأَمْثَالُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُون﴾

*«Ва Биз бу мисолларни инсонлар учун, шояд улар*

*тафаккур қилсалар, деб келтирурмиз».* (*Ҳашр,21- оят*)

Ушбу оятлардан маълум бўладики, Қуръон оятларини тиловат қилиш ва уларни баён этиш, инсонни фикр юритишга ва панд-насиҳат ва ибрат олишга олиб келиши лозим.

Қуръони Карим 77 мингга яқин калималардан ташкил топган бўлиб, улар баъзиларининг такрорланиб келиши ҳисобга олинмаганда, Қуръон сўзлари 11 мингга яқиндир. Диққатимизни ўзига жалб қиладиган нарса шундан иборатки, Қуръонда мингга яқин сўзгина кўп қайта такрорланиб келган ва мана шу рақамдаги сўз Қуръон калималарининг 70% дан ортиқроғини ўз ичига олади. Ушбу минг атрофидаги сўзлар «луғотул аксар» яъни, кўп қўлланган сўзлар (луғатлар) деб айтилади.

Қўлингиздаги китобнинг дарслари кўп такрорланиб келган сўзлар асосида тайёрланган. Қуръонни ўрганувчилар маълум бир миқордаги сўзларнинг маъносини ўрганиш билан кўпроқ оятларнинг маъносини тушуниб оладилар деган мақсадда бу иш амалга оширилди.

Китобнинг услуби:

Қўлингиздаги ушбу китоб ўн олтита машғулотдан иборат бўлиб, ҳар бир дарс бир муқаддима, ўнта Қуръоний ибора, сўзларнинг иккита жадвали ва уч хил машқлардан ташкил топган. Саккизинчи ва ўн олтинчи дарслар, ўзимизни текшириш учун тайёрланган бўлиб, олдинги дарсларда эслатиб ўтилган машқларни ўз ичига олган.

Ҳар бир дарсдаги жадвалда таниш сўзлар ва янги сўзлар маъноси билан келтирилган. Ҳар бир дарснинг Қуръоний иборалари Қуръонда кўп такрорланиб келган сўзлар асосида танланган. Таниш сўзлар Қуръони

Каримнинг шундай сўзларидирки, улар ўзбек тилида ҳам қўлланилиб, маънолари ҳам иккала тилда бир-бирига яқиндир. Таниш сўзлардан фойдаланишдан мақсад, Қуръонни ўрганувчилар унинг маълумотларидан баҳраманд бўлиб, унинг оятларини осонлик билан тушуна олишлари учун шарт-шароит яратишдан иборатдир. Янги сўзлар ҳам Қуръонда кўп такрорланиб келган сўзлардир.

Ҳар бир дарс учта машқдан иборатдир.

Биринчи машқ икки белгилик 20 та саволлардан ташкил топган.

Иккинчи машқда ўрганилаётган дарснинг 10 та Қуръоний иборалари тўғри таржима қилиниб, ёзилиши лозим.

Учинчи машқ тўрт саволни ўз ичига олган бўлиб, дарсдаги Қуръоний иборалар ёки машқлар ёрдамида уларга жавоб бера олиш мумкин. Учинчи машқни бажариш билан Қуръон ўрганувчилар ўз эътиқодларини мустаҳкамлаб, диний таълимотларни ундан олиш имкониятига эга бўладилар.

# 1

# Қуръон
# Оллоҳни таниш китоби

Буюк Оллоҳнинг мадади билан Қуръони Карим оятларининг маъносини англаб, оятларни қандай таржима қилишни ўрганамиз.

Қуръон оятларини тушуниш билан Меҳрибон Оллоҳни яхшироқ танийимиз, У (Оллоҳ) шундай Зотдирки, бизнинг Парвардигоримиз ва Эгамиз бўлиб, бизни ҳақ йўлга ҳидоят қилиш учун Пайғамбаримиз Муҳаммад *саллалоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам* ни танлаган. Ул ҳазрат Оллоҳнинг китобини бизга ўргатиб, саодат ва нажот йўлини кўрсатганлар.

Ягона Оллоҳга бизга берган буюк неьматлари учун ҳамду сано айтиб, Унга шукр қиламиз.

Ушбу дарс ва ундан кейин келадиган дарсларда Қуръони Карим оятларининг маънолари билан кўпроқ ошно бўламиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Ҳамд\1 | بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم: |
| 2. | Ҳашр\22 | هُوَ اللَّهُ: |
| 3. | Раьд\30 | هُوَ رَبِّي: |
| 4. | Каҳф\38 | اللَّهُ رَبِّي: |
| 5. | Ҳуд\34 | هُوَ رَبُّكُمْ: |
| 6. | Анъом\102 | اللَّهُ رَبُّكُمْ: |
| 7. | Ҳамд\2 | الْحَمْدُ لِلهِ: |
| 8. | Муҳаммад\19 | لا إِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ: |
| 9. | Фатҳ\29 | مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللهِ: |
| 10. | Бақара\218 | وَ اللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ: |

Қуйидаги сўзларнинг маъносини англаб, уларни хотирангизда сақланг:

# Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | билан, -га, сабабли | بِ | кўп |
| 2. | исм, ном | اِسم | 139 |
| 3. | Оллоҳ, Худо | الله | 2815 |
| 4. | Меҳрибон | رَحْمانِ | 169 |
| 5. | Раҳмли | رَحيم | 207 |
| 6. | Парвардигор, Эга | رَبّ | 969 |
| 7. | мақтов, ҳамду сано, олқиш | حَمْد | 43 |
| 8. | элчи, юборилган | رَسُول | 236 |

## Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | у | هُوَ | 478 |
| 2. | менинг, мен | ى | кўп |
| 3. | сизнинг, сизларнинг, сизлар | كم | кўп |
| 4. | Учун | لِ، لَ | кўп |
| 5. | Йўқ | لا | 1723 |
| 6. | Илоҳ, Худо | إِله | 113 |
| 7. | -дан бошқа, -дан ўзга, магар | إِلاَّ | 657 |
| 8. | кўп кечирувчи, мағфиратли | غَفُور | 91 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 7640 марта такрорланган бўлиб, ушбу рақамлар қаршисида «кўп» деб ёзилган сўзларни ҳисобга олмаган ҳолда келтирилган.

## Машқлар

**Биринчи машқ:** Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | □а- йўқ | □б- дан бошқа | إِلاّ: |
| 2. | □а- мен | □б- у | هُوَ: |
| 3. | □а- мен учун | □б- сизлар учун | لَكُم: |
| 4. | □а- кўп кечирувчи | □б- жуда меҳрибон | غَفُور: |
| 5. | □а- Меҳрибон | □б- Парвардигор | الرَّحْمنِ: |

Қайси сўз тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | учун: | □а- لِ | □б- بِ |
| 2. | элчи: | □а- غَفُور | □б- رَسُول |
| 3. | Худо: | □а- رَحْمان | □б- الله |
| 4. | мақтов: | □а- حَمْد | □б- رَحِيم |
| 5. | парвардигор: | □а- الله | □ б- رَبّ |

Қайси таржима тўғри?

Таржимада айрим сўзларнинг ўрни ўзгартирилган, диққат қилинг:

1. رَبِّيَ اللهُ:

□а- У менинг Парвардигоримдир.
□б- Менинг Парвардигорим Оллоҳдир.

2. اللهُ لا إِلَهَ إِلاَّ هُوَ:

□а- Оллоҳдан бошқа Парвардигор йўқ.
□б- Оллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ.

3. وَاللهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ:

□а- Ва Оллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.
□б- Ва У тез ҳисобловчидир.

4. وَهُوَ الغَفُورُ الرَّحِيمُ:

□а- Ва У Раҳмли, Мағфиратлидир.
□б- Ва У Мағфиратли, Раҳмлидир.

5. رَبُّ الْمَشرِقِ وَ الْمَغرِبِ لا إِلَهَ إِلاَّ هُوَ:

□а- Машриқ ва Мағриб Парвардигори, Ундан бошқа Худо йўқ.
□б- Машриқда ва Мағрибда Ундан ўзга илоҳ йўқ.

Қайси ибора тўғри?

1. У сизларнинг Парвардигорингиздир:

□а- هُوَ رَبِّي
□б- هُوَ رَبُّكُمْ

2. Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигори:

□а- رَبِّ مُوسَى و هارُونَ

□б- بِرَبِّ مُوسَى و هارُونَ

3. Ва У Раҳмли, Мағфиратлидир :

□а- وَهُوَ الْغَفُورُ الرَّحيمُ

□б- وَهُوَ الرَّحِيمُ الْغَفُورُ

4. Машриқ ва Мағриб Оллоҳ учундир:

□а- وَ لِلهِ الْمَشرِقُ وَ الْمَغرِبُ

□б- رَبُّ الْمَشرِقِ وَ الْمَغرِبِ

5. У Оллоҳдир, Ундан ўзга илоҳ йўқ :

□а- هُوَ اللّٰهُ لا إِلٰهَ إِلاَّ هُوَ

□б- اللّٰهُ لا إِلٰهَ إِلاَّ هُوَ

**Иккинчи машқ:** Дарснинг бошланишидаги Қуръон ибораларининг таржимасини ўз билимингиз даражасида ёзинг!

**Учинчи машқ:** Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Ишларни қандай бошлаш керак?

2. Мақтов ва ҳамду сано ким учундир?

3. Машриқ ва Мағриб кимникидир?( ким учундир?)

4. Оллоҳнинг тўрт сифатини баён қилинг.

# 2

## Оллоҳ Оламнинг Парвардигори

Қуръонни тушуниш бизларни Қуръонга яқин қилади ва Қуръон оятлари устида диққат билан фикр юритиш Қуръоний одоб ва ахлоқни бизга ўргатади.

Биз Қуръондан Оллоҳ Парвардигоримиз, Эгамиз ва бизга нисбатан Меҳрибон ва гуноҳларни Кечирувчи Зот эканлигини ўрганамиз.

Оллоҳ мўъминларнинг Дўсти ва Бошлиғи (Йўл бошчиси) ва доим уларнинг Ёру-ғамхўридир. Шунинг учун ҳамду сано, мақтов ва олқиш Ёлғиз Оллоҳ учундир. У шундай Зотдирки, Оламларнинг Парвардигори ва Эгасидир.

Ушбу маъноларни дарсда келтирилган оятлардан излаймиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг!

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қасас\70 | لَهُ الْحَمْدُ: |
| 2. | Аъроф\54 | إِنَّ رَبَّكُمُ اللهُ: |
| 3. | Шўро\15 | اللهُ رَبُّنَا وَ رَبُّكُمْ: |
| 4. | Марям\30 | قَالَ إِنِّي عَبْدُ اللهِ: |
| 5. | Оли Имрон\68 | وَ اللهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ: |
| 6. | Моида\12 | وَ قَالَ اللهُ إِنِّي[1] مَعَكُمْ: |
| 7. | Анфол\19 | وَ أَنَّ اللهَ مَعَ الْمُؤْمِنِينَ: |
| 8. | Нисо\96 | وَ كَانَ اللهُ غَفُورًا رَّحِيمًا: |
| 9. | Аҳзоб\43 | وَ كَانَ بِالْمُؤْمِنِينَ رَحِيمًا: |
| 10. | Ҳамд\2 | اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعٰلَمِينَ: |

Қуйидаги сўзларнинг маьносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг!

# Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | банда, қул | عَبْد | 28 |
| 2. | дўст, хожа, сарвар | وَلِيّ | 44 |
| 3. | имонли инсон-лар, мўъминлар | مُؤْمِنِينَ | 144 |
| 4. | оламлар | عالَمِينَ | 73 |
| 5. | ўғил | اِبْن | 40 |
| 6. | қудрат, куч | قُوَّة | 29 |
| 7. | амаллар, ишлар | اَعمَال | 41 |
| 8. | ҳамма, барча | جَمِيعاً | 53 |

1. اِنِّي = اِنَّ + ى .

## Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | у, унинг | ـه ، هُ | кўп |
| 2. | албатта, зотан | إِنَّ | 2442 |
| 3. | биз , бизнинг | نَا | кўп |
| 4. | айтди, деди | قَالَ | 529 |
| 5. | албатта, -лиги, эканлиги | أَنَّ | 542 |
| 6. | бирга, билан | مَعَ | 164 |
| 7. | эди, бўлган | كَانَ | 422 |
| 8. | -дан, томонидан | مِن | 3221 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари 7772 марта Қуръонда келган, албатта бу рақам рўпарасида «кўп» деб ёзилган сўзлардан алоҳида ҳолда ҳисобга олинган.

## Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги жавоблардан тўғриларини белгиланг!

Қайси маъно тўғри?

1. □а- албатта □б- дан :إِنّ
2. □а- биз □б- бирга :مَعَ
3. □а- деди □б- эди :قَالَ
4. □а- эди □б- айтди :كَانَ
5. □а- олимлар □б- оламлар :عالَمِينَ

Қайси сўз тўғри?

1. ўғлим: □а- اِبْنِي □б- اِبْنُهُ
2. ундан: □а- مِنهُ □б- مَعَهُ
3. унинг бандаси: □а- عَبْدُنا □б- عَبْدُهُ
4. бизнинг Парвардигоримиз: □а- رَبُّنَا □б- رَبِّي
5. хожа, сарвар: □а- وَلِيُّ □б- وَلِيِّي

Қайси таржима тўғри?

1. رَسُولٌ مِنَ اللّٰهِ:
   □а- Пайғамбар Оллоҳнинг бандасидир.
   □б- Оллоҳ томонидан юборилган.
2. قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ:
   □а- Марям ўғли Исо деди.
   □б- Исо Марям ўғлидир.
3. اَنَّ القُوَّةَ لِلهِ جَمِيعاً:
   □а- Албатта барча куч-қудрат Оллоҳникидир.
   □б- Албатта, унинг ҳамма қудрати Оллоҳникидир.
4. اِنَّهُ كَانَ غَفُوراً رَحِيماً:
   □а- Зотан, Оллоҳ Мағфиратли, Раҳмлидир.
   □б- Албатта, У кўп Кечирувчи, Раҳмлидир.
5. اِنَّ رَبِّي غَفُورٌ رَحِيمٌ:
   □а- Албатта, Худо Мағфиратли, Раҳмлидир.
   □б- Зотан, Парвардигорим Мағфиратли, Раҳмлидир.

Қуйидаги иборалардан қайси тўғри?

1. Ва Оллоҳ сизлар биландир:
   □а- وَاللّٰهُ مَعَكُمْ
   □б- اَنَّ اللّٰهَ مَعَنَا

2. Парвардигоримиз Оллоҳдир:
   □а- رَبُّنَا اللهُ
   □б- اَللهُ رَبُّكُمْ
3. Ҳеч қудрат йўқ, магар Оллоҳга(суянар):
   □а- اَنَّ القُوَّةَ لِلهِ
   □б- لا قُوَّةَ اِلاَّ بِاللهِ
4. Албатта менинг Хожам Оллоҳдир:
   □а- اِنَّ وَلِيِّيَ اللهُ
   □б- فَاللهُ هُوَ الوَلِيُّ
5. Бизларнинг амалларимиз биз учун ва сизларнинг амалларингиз сиз учундир:
   □а- لَكُمْ دِينُكُمْ وَلِىَ دِينِ
   □б- لَنا اَعْمَالُنَا وَ لَكُمْ اَعمالُكُمْ

**Иккинчи машқ**: Дарснинг бошида келтирилган Қуръон ибораларини таржима қилишга ҳаракат қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Мўъминларнинг Хожаси кимдир?

2. Оллоҳ ким билан биргадир?

3. Барча куч-қудрат кимникидир?

4. Бизларнинг Эгамиз ва Парвардигоримиз кимдир?

# 3

## Оллоҳга ҳамду сано ва мақтов

Оллоҳ Ягона Зот, ҳамма нарсаларнинг Яратгувчиси, барча қудратларнинг нигизи, илму-маърифат ва яхшиликлар асосидир.

Шунинг учун биз Унинг чексиз неъматларига шукр қилишимиз керак.

Қуръони Карим «Алҳамдулиллоҳ»дек гўзал сўзни айтиш билан Оллоҳга ҳамду сано деб, Унга шукр қилишни бизга ўргатади.

Оллоҳга ҳамду сано айтиб, «Алҳамдулиллоҳ»ни тилга олиш ила, Оллоҳни яхшилик билан ёдга оламиз ва Унинг бепоён неъматларига шукр қиламиз.

Ҳамду сано ва шукрлар Ёлғиз Оллоҳ учундир, У шундай Зотки, ҳамма Оламларнинг Яратгувчисидир. Барча неъматлар Ундан бўлиб, У энг яхши ажру-мукофотларни яхши амаллар учун ато қилади.

Ушбу тарбиявий аҳамиятга эга бўлган маъноларни дарсда келтирилган оятлардан излаймиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَٰنِ الرَّحِيمِ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Намл\59 | قُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ: |
| 2. | Қасос\80 | ثَوَابُ اللَّهِ خَيْرٌ: |
| 3. | Моида\109 | قَالُواْ لَا عِلْمَ لَنَا: |
| 4. | Анъом\164 | وَ هُوَ رَبُّ كُلِّ شَيْءٍ: |
| 5. | Аъроф\43 | وَ قَالُواْ الْحَمْدُ لِلَّهِ: |
| 6. | Оли Имрон\51 | إِنَّ اللَّهَ رَبِّيْ وَ رَبُّكُمْ: |
| 7. | Каҳф\98 | قَالَ هَٰذَا رَحْمَةٌ مِّن رَّبِّيْ: |
| 8. | Раъд\16 | قُلِ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ: |
| 9. | Нисо\134 | فَعِنْدَ اللَّهِ ثَوَابُ الدُّنْيَا وَ الْآخِرَةِ: |
| 10. | Аъроф\104 | وَ قَالَ مُوسَىٰ يَافِرْعَوْنُ إِنِّيْ رَسُولٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ: |

Қуйидаги сўзларнинг маъносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | ажр-савоб | ثَوَاب | 13 |
| 2. | яхшироқ | خَيْرٌ | 176 |
| 3. | илм, билим, билмоқ | عِلْم | 105 |
| 4. | ҳар бир, ҳар, ҳамма, барча | كُلّ | 374 |
| 5. | нарса | شَيْء | 279 |
| 6. | раҳмат, марҳамат | رَحْمَةٌ | 114 |
| 7. | яратувчи | خَالِق | 8 |
| 8. | аҳли оила, хонадон | اَهْل | 127 |

# Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | айт, дегин | قُلْ | 332 |
| 2. | айтдилар, дедилар | قَالُواْ | 331 |
| 3. | бу | هَذَا | 225 |
| 4. | бас, демак | فَـ | кўп |
| 5. | олдида, ёнида, ҳузурида, наздида | عِنْد | 197 |
| 6. | эй | يَا | 361 |
| 7. | - га, устига, зиммасига | عَلَى ، عَلَى | 1445 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 4087 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ:** Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

1. □а- эй □б- ё :يَا
2. □а- деди □б- дегин :قُل
3. □а- бу □б- у :هَذَا
4. □а- га □б- ёнида :عِند
5. □а- дедилар □б- деди :قَالُوا

Қайси сўз тўғри?

1. Бизга: □а- عَلَيْنَا □б- مَعَنَا
2. Ҳаммаси: □а- كُلُّهُ □б- عِنْدَهُ
3. Менинг хонадоним: □а- اَهْلُهُ □б- اَهْلِي
4. Раҳматига: □а- بِرَحْمَتِهِ □б- بِرَحْمَتِنَا
5. Элчиси учун: □а- بِرَسُولِي □б- لِرَسُولِهِ

Қайси таржима тўғри?

1. وَ لَهُ كُلُّ شَيْءٍ:

□а- ва ҳамма нарса Оллоҳ учундир.
□б- ва барча нарса У учундир.

2. هُوَ مِنْ عِنْدِ اللهِ:

□а- У Худонинг бандасидир.
□б- У Оллоҳ ҳузуридандир.

3. قُلْ هُوَ الرَّحْمَانُ:

□а- деди: У(Худо) Меҳрибондир.
□б- дегин: У(Оллоҳ) Меҳрибондир.

4. وَقَالَ فِرْعَونُ يا هَامَانُ:

□а- ва эй Фиръавн, Ҳомонга дегин.
□б- ва Фиръавн деди: Эй Ҳомон.

5. وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ:

□а- Ва ҳар бир нарса Унинг олдида миқдори биландир.
□б- Ва Унинг ҳар бир нарсаси миқдори биландир.

Қайси ибора тўғри?

1. Мусо унга деди:

□а- قَالَ مُوسَىٰ
□б- قَالَ لَهُ مُوسَىٰ

2. Ҳамма Парвардигоримиз ҳузуридандир:
   □а- كُلٌّ مِنْ عِنْدِ اللهِ
   □б- كُلٌّ مِنْ عِنْدِ رَبِّنَا
3. Дедилар: « эй Мусо »:
   □а- قَالُوا يَا مُوسَىٰ
   □б- قَالَ يَا مُوسَىٰ
4. Бас дегин « салом сизларга »:
   □а- فَقُلْ سَلاَمٌ عَلَيْكُمْ
   □б- قَالَ سَلاَمٌ عَلَيْكُمْ
5. Ундан бошқа Худо йўқ, У барча нарсанинг Яратгувчисидир:
   □а- خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ لاَ اِلَهَ الاَّ هُوَ
   □б- لاَ اِلَهَ الاَّ هُوَ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ

**Иккинчи машқ**: Дарснинг бошида келтирилган Қуръон ибораларини таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Кимнинг ажру савоби яхшироқдир?

2. Ким ҳамма нарсанинг яратувчисидир?

3. Дунё ва Охиратнинг савоби кимнинг ҳузуридадир?

4. Ҳазрати Мусо (*алайҳис салом*) ўзини ким томонидан юборилган элчи деб таништирди?

# 4

## Мўъминларнинг дўсти ва сарвари

Ўтилган дарсларда Қуръони Карим оятларини тушуниш натижасида Меҳрибон Оллоҳга нисбатан бўлган маърифатимиз янада кўпроқ ошди.

Оллоҳ шундай Зотки, У Ер ва осмонлар Парвардигори бўлиб, биз учун сон-саноқсиз неъматлар ато этган.

Оллоҳ шундай Зотки, ҳурмату иззат, куч-қудрат ва буюклик Уникидир ва Пайғамбари Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га ҳамда мўъминларга бу каби иззат ва юксакликни ато этган.

Биз доим Буюк Оллоҳни ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.а) ни ва Маъсум Имомларимизни ўзимиз учун дўст ва раҳбар сифатида тан олиб, уларга эргашамиз, чунки шу орқали дунё ва охиратда иззат ва юксакликка эришамиз деб умид қиламиз.

Ушбу олий маъноларни дарсда ўрганилган оятлардан излаймиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг:

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Бақара\247 | وَ قَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ: |
| 2. | Тоҳо\98 | إِنَّمَا[1] إِلَاهُكُمُ اللهُ: |
| 3. | Юнус\65 | إِنَّ الْعِزَّةَ لِلهِ جَمِيعًا: |
| 4. | Бақара\257 | اللهُ وَلِيُّ الَّذِينَ ءَامَنُوا: |
| 5. | Анъом\109 | قُلْ إِنَّمَا الْآيَاتُ عِندَ اللهِ: |
| 6. | Оли Имрон\19 | إِنَّ الدِّينَ عِندَ اللهِ الْإِسْلَامُ: |
| 7. | Наҳл\77 | وَ لِلهِ غَيْبُ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ: |
| 8. | Каҳф\14 | فَقَالُواْ رَبُّنَا رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ: |
| 9. | Мунофиқин\8 | وَ لِلهِ الْعِزَّةُ وَ لِرَسُولِهِ وَ لِلْمُؤْمِنِينَ: |
| 10. | Моида\55 | إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللهُ وَ رَسُولُهُ وَ الَّذِينَ ءَامَنُوا: |

Қуйидаги сўзларнинг маъносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг.

# Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | иззат ва юксаклик | عِزَّة | 11 |
| 2. | белгилар, аломатлар, оят-мўъжизалар | آيَات | 295 |
| 3. | ғойиб, ғайб сирлар | غَيْب | 49 |
| 4. | дўстлар, хожалар, эгалар | اولِيَاء | 42 |
| 5. | қавм, гуруҳ | قَوم | 383 |
| 6. | даражалар, мартабалар | دَرَجات | 14 |
| 7. | мағфират, кечириш | مَغْفِرَة | 28 |

1. «انّما» калимаси ўзидан кейинги сўздан сўнг таржима қилинади.

# Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | уларнинг, улар | ـهُم، هِم | кўп |
| 2. | пайғамбар | نَبِيّ | 54 |
| 3. | фақат | إِنَّمَا | 146 |
| 4. | шундай кишиларки, - ганлар | الَّذِينَ | 1080 |
| 5. | имон келтирдилар | ءَامَنُوا | 258 |
| 6. | осмонлар | السَّمَاوَات | 190 |
| 7. | ер | أَرْض | 461 |
| 8. | - да | فِي | 1692 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 4703 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

1. □а- фақат □б- албатта :إِنَّمَا
2. □а- ер □б- осмон :الْأَرْض
3. □а- имон келтирсинлар □б- имон келтирдилар :ءَامَنُوا
4. □а- шундай кишики □б- шундай кишиларки :الَّذِينَ
5. □а- аломатлар □б- осмонлар :السَّمَاوَات

Қайси сўз тўғри?

1. Унда: □а- فِيهِ □б- عَلَيْهِ
2. Пайғамбарлари: □а- وَلِيُّهُمْ □б- نَبِيُّهُمْ

3. улар учун: □а- لَهُمْ □б- لَكُمْ
4. хожангиз : □а- وَلِيُّكُمْ □б- وَلِيُّهُمْ
5. Парвардигорлари учун: □а- بِرَبِّهِمْ □б- لِرَبِّهِمْ

Қайси таржима тўғри?

1. فَقَالَ لَهُمْ رَسُولُ اللهِ:

□а- Бас, Оллоҳнинг элчисига дедилар.
□б- Демак, Оллоҳнинг элчиси уларга деди.

2. فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِندَ رَبِّهِ:

□а- Демак, албатта унинг ҳисоби Парвардигор ҳузуридадир.
□б- Бас, унинг ҳисоби фақат Парвардигори ҳузуридадир.

3. وَهُوَ اللهُ فِي السَّمَاوَاتِ وَ فِي الْاَرْضِ:

□а- Ва У осмонлар ва ернинг Оллоҳидир.
□б- Ва У Оллоҳ осмонларда ва ердадир.

4. لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِندَ رَبِّهِمْ:

□а- Улар учун Парвардигорлари ҳузурида даражалар бор.
□ б- Сизлар учун Парвардигорингиз ҳузурида даражалар бор.

5. فَقَالَ اِنِّي رَسُولُ رَبِّ الْعَالَمِينَ:

□а- Бас, деди: албатта у Оламлар Парвардигорининг элчисидир.
□б- Демак, деди: зотан мен оламлар Парвардигорининг элчисидирман.

Қайси ибора тўғри?

1. Оиласига деди:

□а- قَالَ لِقَوْمِهِ
□б- قَالَ لِأَهْلِهِ

2. Ва Пайғамбарлари уларга деди:
   □а- وَقَالَ اَوْلِيَائُهُمْ
   □б- وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ
3. Ва Парвардигорлари томонидан мағфират(кечириш):
   □а- وَمَغْفِرَةٌ مِن رَبِّهِمْ
   □б- وَمَغْفِرَةٌ مِنَ اللهِ
4. Мусо қавмига деди:
   □а- وَقَالَ مُوسَىٰ يَاقَوْمِ
   □б- قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ
5. Дегин (қиёмат кунини) билиш фақат Оллоҳ ҳузуридадир:
   □а- قُلْ اِنَّمَا الْعِلْمُ عِنْدَ اللهِ
   □б- قُلْ اِنَّمَا الْغَيْبُ لِلهِ

**Иккинчи машқ**: Дарс бошида келтирилган Қуръон ибораларини таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Иззат ва юксаклик кимлар учун?

2. Қайси дин Оллоҳ ҳузурида ҳақиқий дин ҳисобланади?

3. Ер ва осмонларнинг ғайб сирларини билиш ким учун?

4. Мўъминларнинг дўсти ва сарвари кимлар?

# 5

## Қуръон - ҳидоят китоби

Оллоҳ Таоло инсонларни ҳидоят қилиш учун Пайғамбарлар ва муносиб раҳбарларни танлаган.

Пайғамбарлар Оллоҳнинг энг яхши ва холис бандалари бўлиб, улар инсонларни ҳақ ва саодатли йўлга бошлаш учун Оллоҳ томонидан ҳидоят этгувчи ҳужжат ва далилларни келтирганлар. Бу инсонлар учун Оллоҳнинг энг буюк неъмати ва марҳаматидир.

Қуръони Карим Парвардигорнинг ҳақ сўзи бўлиб, у Оллоҳ тарафидан юборилган энг устун ва охирги китобдир. Бу китоб ҳамма инсонлар учун очиқ-ойдин далил ва абадий панд-насиҳатдир.

Қуръони Карим Оллоҳ томонидан бўлган шундай нур-ёруғликдирки, у нажот ва саодат йўлини зиёнкорлик ва фасод йўлидан ажратиб, ойдинлаштириб беради.

Дарсда келтирилган оятлардан юқоридаги маъноларни излаш билан, кўпроқ Қуръон ҳидояти сари юзланамиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан таржима қилинг:

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Асроъ\81 | وَ قُلْ جَاءَ الْحَقُّ: |
| 2. | Оли Имрон\138 | هَذَا بَيَانٌ لِّلنَّاسِ: |
| 3. | Аҳқоф\15 | وَ إِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ: |
| 4. | Оли Имрон\114 | وَ أُوْلَئِكَ مِنَ الصَّالِحِينَ: |
| 5. | Ҳуд\66 | إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْقَوِيُّ الْعَزِيزُ: |
| 6. | Маориж\24 | وَ الَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ: |
| 7. | Моида\15 | قَدْ جَاءَكُم مِّنَ اللهِ نُورٌ وَ كِتَابٌ مُّبِينٌ: |
| 8. | Юнус\57 | يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَتْكُم مَّوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ: |
| 9. | Юнус\108 | قُلْ يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمُ الْحَقُّ مِن رَّبِّكُمْ: |
| 10. | Аъроф\158 | قُلْ يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا: |

Қуйидаги сўзларнинг маъносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | баён, баён қилувчи | بَيَان | 3 |
| 2. | солиҳ бандалар | صَالِحِينَ | 26 |
| 3. | кучли, қудратли | قَوِيّ | 11 |
| 4. | иззатли, енгилмас | عَزِيز | 99 |
| 5. | моллар, бойликлар | اَمْوَال | 61 |
| 6. | маълум, муайян | مَعْلُوم | 11 |
| 7. | панд-насиҳат, ўгит | مَوْعِظَة | 9 |
| 8. | эгалар, ҳамроҳлар | اَصْحَاب | 78 |

# Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | келди | جاءَ ، جاءَتْ | 215 |
| 2. | инсонлар, халқ | ناس | 240 |
| 3. | улар | أُوْلَئِكَ | 204 |
| 4. | сенинг, сен | ـكَ | кўп |
| 5. | дарҳақиқат, шубҳасиз, ҳақиқатан, муҳаққақ, аниққи | قَد | 406 |
| 6. | очиқ-ойдин | مُبِينٌ | 119 |
| 7. | эй | يا أَيُّهاَ | 150 |
| 8. | -га, томонига | اِلَى ، اِلَيْ | 742 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 2374 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.
Қайси маъно тўғри?

1. □а- келади □б- келди :جاءَتْ
2. □а- инсонлар □б- инсон :النَّاس
3. □а- шундай кишики □б- эй :يَأَيُّهَا
4. □а- улар □б- шундай кишиларки :أُوْلَئِكَ
5. □а- эгалар □б- солиҳ бандалар :اَصْحَاب

Қайси сўз тўғри?

1. дарҳақиқат: □а- اِنَّمَا □б- قَدْ
2. очиқ-ойдин: □а- مُبِينٌ □б- بَيَان
3. молларингиз: □а- اَمْوالُكُمْ □б- اَمْوالُنا
4. Парвардигоринг: □а- رَبُّكَ □б- رَبِّي
5. сизларга: □а- فِيْكُمْ □б- اِلَيْكُمْ

Қайси таржима тўғри?

1. اَلْحَقُّ مِن رَبِّكَ:
   □а- Парвардигоринг ҳақдир.
   □б- Ҳақ Парвардигоринг томонидандир.
2. اِنَّهُ مِنَ الصَّالِحِينَ:
   □а- Албатта, У имон келтирганлардандир.
   □б- Зотан, У солиҳ бандалардандир.
3. اِنَّ اللهَ قَوِىٌّ عَزِيزٌ:
   □а- Албатта, Оллоҳ кучли, енгилмасдир.
   □б- Зотан, У кучли, енгилмайдиган Зотдир.
4. قالَ هَذا مِنْ عَمَلِ الشَّيْطانِ:
   □а- Деди: бу Шайтон ишидир.
   □б- Деди: бу Шайтон ишларидандир.
5. وَ هُوَ الْحَقُّ مِن رَبِّهِمْ:
   □а- Ва у (сўз) Парвардигори томонидан ҳақдир.
   □б- Ва у (сўз) Парвардигорлари томонидан ҳақдир.

Қайси ибора тўғри?

1. Мусонинг ҳамроҳлари дедилар:
   □а- قَالَ مُوسَى لِقَوْمِهِ
   □б- قَالَ اَصْحَابُ مُوسَى
2. Парвардигорингдан раҳмат:
   □а- رَحْمَةً مِن رَبِّك
   □б- رَحْمَةً مِن رَبِّي
3. Ҳақиқатан, сизларга элчимиз келди:
   □а- قَدْ جَاءَتْك آيَاتِي
   □б- قَدْ جَاءَكُم رَسُولُنَا
4. Деди: Бу менинг Парвардигоримдир:
   □а- قَالُوا رَبُّنَا اللهُ
   □б- قَالَ هَذَا رَبِّي
5. Албатта у Парвардигоримиз томонидан(бўлган) ҳақдир:
   □а- اَنَّهُ الْحَقُّ مِن رَبِّهِمْ
   □б- اِنَّهُ الْحَقُّ مِن رَبِّنَا

**Иккинчи машқ**: Дарс бошида келтирилган Қуръон ибораларини таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Ҳақ ким томонидан инсонларга келган?

2. Қуръон ўзини инсонларга қандай танитади?

3. Муҳаммад(с.а.в) кимнинг элчисидир?

4. Қуръоннинг беш сифатини ёзинг.

# 6

## Қиёмат - қайта тирилиш

Ҳамду сано ва шукрлар фақат Оллоҳ учундир. У шундай Зотки, ер ва бутун оламлар Парвардигоридир. Ер ва осмонларни яратиш инсонларни яратишдан буюкроқ бўлиб, бу Оллоҳнинг юксаклиги ва қудратининг белгисидир.

Бу буюк яратиш беҳуда ва мақсадсиз эмас.

Инсон ҳам беҳуда яратилмаган ва ўлимдан сўнг қиёмат кунида қайта тирилажак.

Қуръони Карим бизни Илоҳий буюк қайта тирилиш ва унинг қандай юзага келиши ҳамда охиратдаги ҳаёт билан таништириб, инсоннинг дунёдаги насибаси жуда оз ва ўткинчи, лекин охиратдаги хаёт яхширок ва мангулиги ҳақида огоҳлантиради.

Қуръоннинг кўп оятларида мўъминларнинг жаннатдаги саодатли ҳаётлари, кофирлар ва золимларнинг дўзахдаги дардли ва хор-залил ҳолдаги ҳаётлари баён этилган.

Қиёмат кунида ҳеч кимга заррачалик ҳам зулм ва ситам қилинмайди ва ҳар ким қилган амалларининг натижасини кўргай.

Бу арзигулик маъноларни дарсда ўрганаётган оятлардан излаймиз.

Дарснинг Қуръоний ибораларини диққат билан таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

1. Соффот\20 هَذَا يَوْمُ الدِّينِ:

2. Ҳамд\4 مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ:

3. Каҳф\110 قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ:

4. Ҳажар\77 إِنَّ فِي ذَالِكَ لَآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ:

5. Юнус\39 كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الظَّالِمِينَ:

6. Нисо\77 قُلْ مَتَاعُ الدُّنْيَا قَلِيلٌ وَ الْآخِرَةُ خَيرٌ:

7. Ғофир\17 لَا ظُلْمَ الْيَوْمَ إِنَّ اللهَ سَرِيعُ الْحِسَابِ:

8. Жосия\3 إِنَّ فِي السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِّلْمُؤْمِنِينَ:

9. Ғофир\57 لَخَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ أَكْبرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ:

10. Жосия\36 فَلِلَّهِ الْحَمْدُ رَبِّ السَّمَاوَاتِ وَ رَبِّ الْأَرْضِ رَبِّ الْعَالَمِينَ:

Қуйидаги сўзларнинг маъносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | эга, соҳиб | مَالِک | 3 |
| 2. | инсон | بَشَر | 36 |
| 3. | белги, аломат, оят-мўъжиза | آيَة | 86 |
| 4. | оқибат | عَاقِبَة | 32 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5. | зулм, ситам | ظُلْم | 20 |
| 6. | буюкроқ, каттароқ | اَكبَر | 23 |
| 7. | яратмоқ, яратиш, яратилиш | خَلْق | 52 |
| 8. | ўхшаш, каби, -дек | مِثْل | 75 |
| 9. | золимлар, ситамкорлар | ظالِمِينَ ، ظالِمُونَ | 124 |

# Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| **1.** | кун | يَوم | 318 |
| **2.** | қиёмат куни | يَومُ الدِّينِ | 13 |
| **3.** | мен | اَنَا | 68 |
| **4.** | бу, ушбу, ўша | ذالِكَ | 430 |
| **5.** | дарвоқе | لَـ | кўп |
| **6.** | қандай, қанақа | كَيْفَ | 83 |
| **7.** | мато, мол-мато | مَتَاع | 34 |
| **8.** | оз, кам | قَلِيل | 69 |
| **9.** | бугун | اَلْيَوم | 43 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 1509 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.
Қайси маъно тўғри?

1. □а- биз □б- мен :اَنَا
2. □а- бугун □б- кун :يَوْم

3. □а- ушбу □б- у ذَالِكَ:
4. □а- яратди □б- яратиш خَلْق:
5. □а- қандай □б- қаер كَيْفَ:

Қайси сўз тўғри?

1. оз: □а- قَلِيل □б- مَتَاع
2. ундек: □а- مِثْلُهُ □б- مِثْلُهُمْ
3. унинг яратиши: □а- خَلْقَهُ □б- خَلْقَهُمْ
4. дарвоқе, аломат: □а- لَآيَةً □б- لَآيَاتٌ
5. зулмлари сабабли: □а- بِظُلْمٍ □б- بِظُلْمِهِمْ

Қайси таржима тўғри?

1. إِنَّ[1] قَارُونَ كَانَ مِنْ قَوْمِ مُوسَىٰ:

□а- Қорун Мусонинг қавмидан эди.

□б- Қорун Мусодан кейин эди.

2. قُلْ كُلٌّ مِنْ عِنْدِ اللّٰهِ:

□а- Дегин: Ҳамма Оллоҳнинг наздидандир.

□б- Дегин: Ҳамма Оллоҳ томонидан келгандир.

3. إِنَّ اللّٰهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا:

□а- Албатта, Оллоҳингиз Раҳмлидир.

□б- Зотан, Оллоҳ сизларга Раҳмлидир.

4. وَ إِنَّ رَبَّكَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ:

□а- Зотан, унинг Парвардигори енгилмас, раҳмлидир.

□б- Албатта, Парвардигоринг енгилмас, раҳмлидир.

---

1. Баъзи вақт « اِنَّ » таржима қилинмайди.

5. ذَلِكَ يَوْمُ الْخُرُوجِ[1]:

□а- Ўша (Қиёмат куни) чиқиш кунидир.

□б- Бугун (Қиёмат куни) чиқиш кунидир.

Қайси ибора тўғри?

1. Ва дегин: Мақтов махсус Оллоҳ учундир:
   □а- وَ قَالُوا الْحَمْدُ لِلهِ
   □б- وَ قُلِ الْحَمْدُ لِلهِ
2. Бу Оллоҳнинг белгиларидандир:
   □а- ذَالِكَ مِنْ آياتِ اللهِ
   □б- اِنَّ فِى ذَالِكَ لَآيَاتٍ
3. Албатта Оллоҳ мағфиратли, раҳмлидир:
   □а- اِنَّ اللهَ كانَ غَفُوراً رَحِيماً
   □б- وَ كانَ اللهُ غَفُوراً رَحِيماً
4. Дегин: машриқ ва мағриб Оллоҳ учундир:
   □а- قالَ رَبُّ الْمَشرِقِ وَالْمَغرِبِ
   □б- قُل لِلهِ الْمَشرِقُ وَالْمَغرِبُ
5. Улардан олдинги кишиларнинг оқибати қандай эди:
   □а- كَيْفَ كانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مَنْ قَبْلِهِمْ
   □б- كَيْفَ كانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ

**Иккинчи машқ**: Дарсда келтирилган Қуръон ибораларини таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

---

1. «خروج» сўзи «чиқиш» ёки «чиқмоқ» маъносини англатади.

1. Қорун қайси Пайғамбарнинг қавмидан эди?

2. Оллоҳ дунёдан баҳраманд бўлишни қандай тасвирлаган?

3. Ер ва осмонларни яратиш буюкроқми ёки инсонларни яратиш?

4. Кимлар учун Ер ва осмонларда Оллоҳ томонига ҳидоят қилувчи белгилар бор?

# 7

## Пайғамбарлар-меҳрибон муаллим

Пайғамбарлар инсонларнинг энг яхши ва меҳрибон тарбиячисидирлар. Улар қилган меҳнатлари ва ҳидоят йўлида чеккан машаққатлари учун инсонлардан ҳеч қандай меҳнат ҳақи умидида бўлмасдан, уларни ҳидоят йўлига бошқарар ва уларни тарбиялар эдилар.

Пайғамбарлар бизларга Оллоҳ инсоннинг ҳақиқий дўсти ва ёри деб ўргатганлар. Кимки Оллоҳга имон келтириб, пайғамбарларнинг кўрсатмаларига амал қилса, Оллоҳнинг ҳузурида буюк ажру-мукофотга эга бўлгай.

Айрим инсонлар турли хил баҳоналар билан Оллоҳга имон келтиришдан ва пайғамбарларнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларига амал қилишдан бўйин товлардилар. Улар пайғамбарлар ҳам ўзлари сингари инсонлар бўлганликлари учун уларга эргашишдан бош тортардилар.

Оллоҳнинг оят-мўъжизалари ва белгиларини кўра туриб ҳам, пайғамбарларга имон келтирмаган кимсалар чинакам кофир ва ўзларига золимдирлар. Қуръони

Каримнинг бир қатор оятлари биз ибрат олишимиз учун эътиборимизни золим ва ситамкорларнинг дардли, азобли ва мудҳиш оқибатларига жалб этади.

Ушбу маъноларни дарсда ўрганадиган оятлардан излаймиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Тавба\22 | إِنَّ اللَّهَ عِندَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ: |
| 2. | Бақара\254 | وَ الْكَافِرُونَ هُمُ[1] الظَّالِمُونَ: |
| 3. | Нисо\64 | فَقَالُواْ إِنَّكُمْ أَنتُمُ[1] الظَّلِمُونَ: |
| 4. | Иброҳим\10 | قَالُواْ إِنْ أَنتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا: |
| 5. | Юсуф\101 | أَنتَ وَلِيِّ فِى الدُّنْيَا وَ الآخِرَةِ: |
| 6. | Шуро\26 | وَ الْكَافِرُونَ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ: |
| 7. | Шуаро\109 | إِنْ أَجْرِىَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ الْعَالَمِينَ: |
| 8. | Бақара\248 | إِنَّ فِى ذَالِكَ لَآيَةً لَّكُمْ إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ: |
| 9. | Ғофир\21 | كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ كَانُواْ مِن قَبْلِهِمْ: |
| 10. | Шўро\15 | اللهُ رَبُّنَا وَ رَبُّكُمْ لَنَا أَعْمَالُنَا وَ لَكُمْ أَعْمَالُكُمْ: |

1. Ушбу оятларда «هُم» ва «انتم» сўзлари таржимада тушириб қолдирилади.

Қуйидаги сўзларнинг маъносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | ажру мукофот, меҳнат ҳақи | أَجر | 93 |
| 2. | кофирлар | كافِرونَ ، كافِرِينَ | 129 |
| 3. | буюк, улуғ, улкан, йирик | عَظِيم | 107 |
| 4. | азоб | عَذاب | 321 |
| 5. | қаттиқ, шиддатли | شَدِيد | 52 |
| 6. | ҳаёт, яшаш, яшамоқ | حَياة | 76 |
| 7. | жаҳаннам, дўзах | جَهَنَّم | 77 |

## Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | сизлар | أَنتُم | 135 |
| 2. | эмас, агар | إِن[1] | 692 |
| 3. | сен, сиз | أَنتَ | 81 |
| 4. | эдингизлар | كُنتُم | 199 |
| 5. | эдилар | كانُوا | 267 |
| 6. | унинг, у | ها | кўп |
| 7. | ёмонлик, ёмон | سُوء | 60 |

Бу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 2289 марта такрорланган ҳолда келган.

1. Араб тилида «إِنْ» дан сўнг «إِلاَّ» келса, «йўқ» ёки «эмас» маъносини англатади ва акс ҳолда «агар» деб таржима қилинади.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | □а- унинг | □б- бу | ها: |
| 2. | □а- сен | □б- сизлар | اَنتُم: |
| 3. | □а- қаттиқ | □б- ёмонлик | سُوء: |
| 4. | □а- эдингиз | □б- эдилар | كانُوا: |
| 5. | □а- эдингиз | □б- эдилар | كُنتُم: |

Қайси сўз тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | оилам: | □а- اَهْلُهَا | □б- اَهْلِي |
| 2. | улар учун: | □а- لَهُم | □б- لَكُم |
| 3. | Ажр-мукофотлари: | □а- اَجْرُها | □б- اَجْرُهُم |
| 4. | унинг азоби: | □а- عَذابُها | □б- عَذابِي |
| 5. | кофирлар учун: | □а- بِالْكافِرِينَ | □б- لِلْكافِرِينَ |

Қайси таржима тўғри?

1. قالُوا اِنَّا[1] مَعَكُمْ:

□а- Айтдилар: Албатта сизлар биз биландирсиз.
□б- Дедилар: Зотан, биз сизлар биландирмиз.

2. اِنَّ اَهلَها كانُوا ظالِمِينَ:

□а- Албатта у (шаҳар) нинг аҳли золим бўлдилар.
□б- Зотан у (шаҳар) нинг аҳли золим эдилар.

3. لَهُم مَغفِرَةٌ وَ اَجرٌ عَظِيمٌ:

□а- Улар учун раҳмат ва буюк ажру мукофот бор.
□б- Улар учун мағфират ва улкан ажру мукофот бор.

---

1. اِنَّ + نا = اِنَّنا، اِنَّا

4. لَهُم عَذابٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنيَا:

□а- Улар учун ҳаёти дунёда азоб бор.
□б- Улар учун фақат ҳаёти дунёда азоб бор.

5. وَ لَهُم فِي الأَخِرَةِ عَذابٌ عَظِيمٌ:

□а- Ва улар учун Охиратда буюк азобдан бошқа нарса йўқ.
□б- Ва улар учун Охиратда буюк азоб бор.

Қайси ибора тўғри?

1. Улар (ўзлари) золим эдилар:
   □а- كانُوا هُمُ الظَّالِمِينَ
   □б- مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ
2. Дедилар: Албатта биз Оллоҳникидирмиз:
   □а- قُلْ كُلٌّ مِنْ عِندِ اللهِ
   □б- قالُوا اِنَّا لِلهِ
3. Улар учун ажру мукофотлари Парвардигорларининг ҳузуридадир:
   □а- لَهُمْ اَجرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ
   □б- فَلَهُ اَجْرُهُ عِندَ رَبِّهِ
4. Бас, дўзах азоби улар учун бордир:
   □а- وَلَهُمْ عَذابٌ عَظِيمٌ
   □б- فَلَهُمْ عَذابُ جَهَنَّمَ
5. Улар шундай кишилардирки, улар учун ёмон азоб бор:
   □а- أُوْلَئِكَ الَّذِينَ لَهُمْ سُوءُ العَذابِ
   □б- أُوْلَئِكَ لَهُمْ عَذابٌ عَظِيمٌ

**Иккинчи машқ**: Дарсда келтирилган Қуръон ибораларини таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Кимнинг ҳузурида буюк ажру мукофот бор?

2. Кимлар учун қаттиқ ва шиддатли азоб бор?

3. Қуръон кофирларни қандай ҳолда тасвир этади?

4. Ҳар бир пайғамбар инсонларни ҳидоят қилиш йўлида чеккан машаққатларининг ажру мукофотини кимдан умид қилиб кутганлар?

# 8

## Ўзимизни текширайлик

Азиз Қуръон ўрганувчилар, ўтган еттита дарсда Қуръони Каримнинг 110 та сўзи таржима қилинди: улардан 55 таси таниш ва 55 таси янги сўзлардан иборатдир.

Қуръони Каримда 77 мингга яқин сўз мавжуд. Албатта бу рақамда «وَ» калимаси ҳисобга олинмаган.

Бу китобда келтирилган сўзлар Қуръонда энг кўп ишлатилиши ва такрорланишини ҳисобга олиб танланган. Шунинг учун жуда ҳам оз сўзларнинг маъносини ўрганиш билан Қуръоний ибораларнинг кўпларини таржима қилиш мумкин.

Бу нарса сиз учун ғалати туюлса керак. Сиз ҳозирги пайтгача ўрганган 110 та сўз умумий олганда Қуръонда 30 мингдан ортиқ такрорланиб келган. Албатта бу рақам рўпарасидаги «кўп» деб ёзилган сўзларни ҳисобга олмасдан санаб чиқилган. Шундай қилиб сиз ҳозирги пайтгача Қуръон сўзларининг 40 фоизидан ортиғи билан танишдингиз.

Ушбу дарс янги сўзларга эга эмас, лекин бу дарснинг Қуръоний иборалари олдинги дарсларнинг

сўзларидан фойдаланган ҳолда таржима қилинади ва ўтган дарслар машқ сифатида эслатиб ўтилади.

# Машқлар

Биринчи машқ: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг. Қайси маъно тўғри?

1. قالَ ، كانَ :
   □а- деди, эди □б- эди, деди
2. اِنَّما ، عِندَ:
   □а- фақат, ҳузурида □б- албатта, -га
3. قالُوا ، قُلْ:
   □а- айтинглар, айтди □б- айтдилар, айтгин
4. كُمْ ، هُمْ:
   □а- сизларнинг, улар □б- улар, сизларнинг
5. سَماوات ، اَرْض:
   □а- осмон, ерлар □б- осмонлар, ер
6. آمَنُوا ، ناس:
   □а- мўъминлар, инсонлар □б- имон келтирдилар, инсонлар
7. جاءَ ، الَّذِينَ:
   □а- келдилар, улар □б- келди, шундай кишиларки
8. فَـ ، أُوْلَئِكَ:
   □а-демак, улар □б- да, булар
9. اَنَا ، اَنتُم:
   □а- албатта биз, улар □б- мен, сизлар
10. هَذَا ، ذَالِكَ:
   □а- у, бу □б- бу, у

Қайси сўз тўғри?

1. магар, эй:
   □а- اِلى ، ها  □б - اِلاّ ، يا
2. савоб, мақтов:
   □а- اَجْر، رَحْمَة  □б - ثَواب ، حَمْد
3. устига, -дан:
   □а- عَلى ، مِن  □б- مِن ، عَلى
4. ҳаёт, яратгувчи:
   □а- عاقِبَة ، رَبّ  □б- حَياة ، خالِق
5. мағфират, бугун:
   □а- مَغْفِرَة ، اَلْيَوْم  □б- رَحْمَة ، يَوْم
6. келди, эдилар:
   □а- جاءَت ، كانُوا  □б- جاءَ ، كُنْتُم
7. -да, томонига:
   □а- اِلَى ، فِي  □б- فِي ، اِلَى
8. мато-мол, нарса:
   □а- شَيْء ، قَلِيل  □б- مَتاع ، شَيْء
9. пайғамбар, очиқ-ойдин:
   □а- رَسُول ، بَيان  □б- نَبِيّ ، مُبِين
10. оят- мўъжизалар, юксаклик:
   □а- آيَات ، عِزَّة  □б- آيَة ، عَزِيز

Қайси таржима тўғри?

1. اِنْ هُوَ اِلاَّ وَحْيٌ:

□а- У ваҳийдан бошқа нарса эмас.
□б- Агар унга ваҳий бўлса.

2. قُلْ هُوَ رَبِّي:

□а- Айтгин: У менинг Парвардигоримдир.
□б- У менинг Парвардигоримга айтди.

3. اِنَّ مَعِيَ رَبِّي:

□а- Албатта, мен Парвардигорим биландирман.
□б- Зотан, Парвардигорим мен биландир.

4. فَلِلّٰهِ الْحَمْدُ:

□а- Бас, мақтов ёлғиз Оллоҳ учундир.
□б- Демак, Оллоҳ меҳрибон Зотдир.

5. قَالَ اَنَا خَيْرٌ مِنْهُ:

□а- Деди: у мендан яхшироқдир.
□б- Айтди: Мен ундан яхшироқман.

6. قُلْ يَا اَيُّهَا الْكَافِرُونَ:

□а- Дегин: Эй кофирлар.
□б- Айтинглар: Эй кофирлар.

7. ذَالِكَ مَتَاعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا:

□а- Бу дунё ҳаётидан бўлган мол-матодир.
□б- Бу ҳаёти дунёнинг мол-матосидир.

8. اِنْ اَجْرِىَ اِلاَّ عَلَى اللهِ:

□а- Менинг ажру мукофотим Оллоҳнинг ҳузуридадир.
□б- Менинг ажру мукофотим фақат Оллоҳнинг зиммасидадир.

9. فَقُلْ اِنَّمَا الْغَيْبُ لِلّٰهِ :

□а- Бас, дегин: Фақат ғойибни билиш Оллоҳ учундир.
□б- Бас, дегин: Ғойибни билиш фақат Оллоҳ учундир.

10. وَ هُوَ رَبُّنَا وَ رَبُّكُمْ :

□а- Ва У сизларнинг Парвардигорингиз ва уларнинг Парвардигоридир.

□б- Ва У бизнинг Парвардигоримиз ва сизларнинг Парвардигорингиздир.

11. اِنَّهُ الْحَقُّ مِن رَبِّكَ:

□а- Албатта, у Парвардигоринг учун ҳақ-ҳақиқатдир.

□б- Зотан, у Парвардигоринг томонидан ҳақиқатдир.

12. فَقُلِ الْحَمْدُ لِلهِ:

□а- Бас, деди: Мақтов Оллоҳ учундир.

□б- Бас, дегин: Мақтов Оллоҳ учундир.

13. وَ لَهُ الْحَمْدُ فِى السَّماواتِ وَ الْأَرْضِ :

□а- Осмонлар ва ерда мақтов-олқиш Оллоҳ учундир.

□б- Осмонлар ва ерда мақтов-олқиш у учундир.

14. فَاِنَّ الْعِزَّةَ لِلهِ جَمِيعًا:

□а- Бас, албатта иззат, юксакликнинг барчаси Оллоҳ учундир.

□б- Демак, зотан барча иззат, юксаклик Парвардигор томонидандир.

15. اُولَئِكَ لَهُم اَجْرُهُم عِندَ رَبِّهِمْ:

□а- Улар учун ажру мукофотлари Парвардигорларининг ҳузуридадир.

□б- Сизлар учун ажру мукофотингиз Парвардигорингиз ҳузуридадир.

16. رَبُّكُمْ رَبُّ السَّماواتِ وَ الْأَرْضِ:

□а- Сизларнинг Парвардигорингиз осмонлар ва ер Парвардигоридир.

□б- Сизларнинг Парвардигорингиз осмонлар ва ернинг Яратувчисидир.

17. فَقَالَ الْكافِرُونَ هَذا شَيْءٌ عَجِيبٌ:

□а- Бас, кофирларга айтинг: бу ажабланарли нарсадир.
□б- Демак, кофирлар дедилар: бу ажабланарли нарсадир.

18. قالُوا اِنَّكَ لَرَسُولُ اللهِ:

□а- Дедилар: албатта сиз Оллоҳнинг элчисидирсиз.
□б- Айтдилар: зотан сиз Оллоҳ томонидан юборилгансиз.

19. فَاِنَّ اللهَ كانَ غَفُورًا رَحِيمًا:

□а- Демак, зотан Оллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир.
□б- Бас, албатта Оллоҳ кўп кечирувчи ва меҳрибондир.

20. اِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنوا بِاللهِ و رَسُولِهِ:

□а- Мўъминлар фақат Оллоҳга ва унинг элчисига имон келтирадилар.
□б- Оллоҳга ва унинг элчисига имон келтирган кишиларгина мўъминдирлар.

**Иккинчи машқ**: Берилган сўзларни қуйидаги жадвалнинг керакли ўринларига қўйиб ёзинг.

آيَاتكَ унинг ажру мукофоти, رَسُولُهُم унинг худоси, لِلنَّاسِ Парвардигори учун, لحَيَاتى биз учун, مَعَنا сизларга келди, منكَ сенга, مثْله ундан, عنْدى уларда بِهَا албатта биз, خَلَقكُمْ менинг раҳматим.

| қатор | маънолар | сўзлар | қатор | маънолар | сўзлар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | яралишларингиз | | 11 | элчилари | |
| 2 | | جَاءَتْكُم | 12 | | لِرَبِّهِم |
| 3 | менинг ҳузуримда | | 13 | инсонлар учун | |
| 4 | | اِنَّا | 14 | | مِنْها |
| 5 | ҳаётим учун | | 15 | сендан | |
| 6 | | اَجْرَها | 16 | | رَحْمَتِى |
| 7 | унга | | 17 | унга ўхшаш | |
| 8 | | فِيهِم | 18 | | لَنَا |
| 9 | биз билан | | 19 | сенинг оят-мўъжизаларинг | |
| 10 | | اِلَيكَ | 20 | | اِلَهَهُ |

**Учинчи машқ**: Қуйидаги Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

1. أَنتَ وَلِيُّنَا: Аъоф\155
2. هَذَا خَلْقُ اللهِ: Луқмон\11
3. إِنَّ فِي ذَالِكَ لَرَحْمَةً: Анкабут\51
4. وَ أَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ: Юнус\90
5. إِنَّ اللهَ هُوَ رَبِّي وَ رَبُّكُمْ: Зухруф\64
6. قُلْ هُوَ رَبِّي لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ: Раъд\30
7. وَ قَالَ إِنِّي مُهَاجِرٌ[1] إِلَى رَبِّي: Анкабут\26
8. وَ لَقَدْ[1] جَاءَهُمْ رَسُولٌ مِّنهُمْ: Наҳл\113

1. «مُهَاجِر» ҳижрат қилгувчи.

| | | |
|---|---|---|
| 9. | Юнус\94 | لَقَدْ جَاءَكَ الْحَقُّ مِن رَّبِّكَ: |
| 10. | Анфол\4 | أُوْلَئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا: |
| 11. | Фуссилат\33 | وَ قَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ: |
| 12. | Оли Имрон\199 | أُوْلَئِكَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِندَ رَبِّهِمْ: |
| 13. | Анфол\4 | لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِندَ رَبِّهِمْ وَ مَغْفِرَةٌ: |
| 14. | Оли Имрон \139 | وَ أَنتُمُ الْأَعْلَوْنَ[2] إِن كُنتُم مُّؤْمِنِينَ: |
| 15. | Юсуф\57 | وَ لَأَجْرُ الْآخِرَةِ خَيْرٌ لِّلَّذِينَ آمَنُوا: |
| 16. | Фотир\15 | يَاأَيُّهَا النَّاسُ أَنتُمُ الْفُقَرَاءُ[3] إِلَى اللهِ: |
| 17. | Рум\22 | وَ مِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ: |
| 18. | Зухруф\69 | الَّذِينَ آمَنُواْ بِآيَاتِنَا وَ كَانُواْ مُسْلِمِينَ: |
| 19. | Нисо\171 | إِنَّمَا الْمَسِيحُ عِيسَىٰ ابْنُ مَرْيَمَ رَسُولُ اللهِ: |
| 20. | Қасас\55 | وَ قَالُواْ لَنَا أَعْمَالُنَا وَ لَكُمْ أَعْمَالُكُمْ سَلَامٌ عَلَيْكُمْ: |

**Тўртинчи машқ**: Учинчи машқдаги Қуръон ибораларидан фойдаланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Инсонлар Оллоҳга муҳтождирлarmи ёки Оллоҳ инсонларга муҳтожми?

2. Нималарнинг яратилиши Оллоҳнинг оят-мўъжизаларидандир?

3. Қайси ҳолатларда биз мусулмонлар бошқалардан устунмиз?

---

1. «لَقَدْ» дарҳақиқат, муҳаққақ.

2. «اَلْأَعْلَونَ» устун, юксакроқ.

3. «اَلْفُقَرَاء» муҳтожлар.

4. Қанақа ажру мукофот имон келтирган кишилар учун яхшироқ?

5. Қуръон ҳазрати Исо Масиҳ (алайҳис салом)ни қандай танитган?

# 9

## Илоҳий Пайғамбарлар

Қуръони Каримнинг кўпгина оятлари Оллоҳнинг юборган пайғамбарлари ҳақида нозил қилингандир. Айрим оятлар охирги Пайғамбар Муҳаммад (с.а.а) га бағишланган. Уларнинг ҳаммасида ҳам пайғамбарлар хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи сифатида тасвирланганлар. Пайғамбарлар имонли ва саховатли инсонларга нажот топишни ва Оллоҳнинг мангу жаннатига киришни башорат қилиб, кофир ва золим кимсаларни эса Оллоҳнинг жаҳаннамдаги дардли азобидан огоҳлантирганлар.

Пайғамбарлар инсонларни очиқ-ойдин белгилар ва ҳужжатлар билан тўғри йўлга ҳидоят қилардилар. Аммо кўпгина инсонлар пайғамбарларнинг даъватини қабул қилмасдан, ушбу оят-мўъжизаларга ишонмасдилар. Имонли инсонларгина Оллоҳнинг кўрсатган тўғри йўлига ҳидоят қилингандир.

Қуръони Карим ноҳақ ва ботил нарсаларга имон келтириб, Ягона Оллоҳга кофир бўлган кимсаларни ҳақиқий зиён кўрувчилар, Оллоҳга имон келтириб, пайғамбарларга эргашган кишиларни эса ҳақиқий

нажот топувчилар деб баён қилади.

Юқоридаги маъноларни дарсда ўрганадиган Қуръон оятларидан излаймиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Фотир\24 | إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَ نَذِيرًا: |
| 2. | Ҳаж\49 | قُلْ يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّمَا أَنَا لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ: |
| 3. | Каҳф\1 | الْحَمْدُ لِلهِ الَّذِى أَنزَلَ عَلَى عَبْدِهِ الْكِتَابَ: |
| 4. | Юнус\92 | وَ إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ عَنْ آيَاتِنَا لَغَافِلُونَ: |
| 5. | Оли Имрон\4 | إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُواْ بِآيَاتِ اللهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ: |
| 6. | Моида\110 | فَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُواْ مِنْهُمْ إِنْ هَذَا إِلاَّ سِحْرٌ مُّبِينٌ: |
| 7. | Ҳуд\25 | وَ لَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَى قَوْمِهِ إِنِّي لَكُمْ نَذِيرٌ مُّبِينٌ: |
| 8. | Анкабут\52 | وَ الَّذِينَ آمَنُواْ بِالْبَاطِلِ وَ كَفَرُواْ بِاللهِ أُوْلَئِكَ هُمُ الْخَاسِرُونَ: |
| 9. | Нисо\174 | يَأَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَ أَنزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا: |
| 10. | Ҳадид\25 | لَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلَنَا بِالْبَيِّنَاتِ وَ أَنزَلْنَا مَعَهُمُ الْكِتَابَ وَ الْمِيزَانَ: |

Қуйидаги Қуръон сўзларининг маъносини ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг!

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | ҳақ, рост, тўғри | حَقّ | 247 |
| 2. | кўп | كَثِير | 74 |
| 3. | ғофил, ғафлатда қолган | غَافِلٌ | 28 |
| 4. | сеҳр, жоду | سِحْرٌ | 28 |
| 5. | ботил, ноҳақ | بَاطِلٌ | 26 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 6. | ҳужжат, очиқ далил | بُرْهَانٌ | 8 |
| 7. | тарози, ҳақ ва ботил ўртасини ажратувчи илоҳий қонунлар | مِيزَانٌ | 9 |

## Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | юбордик, йўлладик | أَرْسَلْنَا | 73 |
| 2. | хушхабар элтувчи, башорат берувчи | بَشِير | 9 |
| 3. | огоҳлантирувчи | نَذِير | 44 |
| 4. | -ган, шундай кишики, шундай нарсаки | الَّذِي | 304 |
| 5. | нозил қилди, туширди | أَنزَلَ | 66 |
| 6. | -дан | عَنْ | 464 |
| 7. | кофир бўлдилар | كَفَرُواْ | 194 |
| 8. | зиёнкорлар, зиён кўрувчилар | خَاسِرُونَ ، خَاسِرِينَ | 32 |
| 9. | нозил қилдик, туширдик | أَنزَلْنَا | 55 |
| 10. | رَسُولٌ нинг кўплиги, элчилар | رُسُلٌ | 96 |
| 11. | аниқ ҳужжатлар, ошкор мўъжизалар | بَيِّنَاتٌ | 71 |

Ушбу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 1828 марта такрорланган ҳолда келган.

## Машқлар

**Биринчи машқ**: Тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

1. □а- кўп □б- кўпроқ :كَثِير
2. □а - элчи □б- элчилар :رُسُلٌ
3. □а- нозил қилдик □б- юбордик :أَرْسَلْنَا
4. □а- кофир бўлдилар □б- кофир бўлди :كَفَرُواْ
5. □а- сеҳргарлар □б- зиёнкорлар :خَاسِرُونَ

Қайси сўз тўғри?

1. -дан: □а- عَنْ □б- إِنْ
2. шундай кишики: □а- الَّذِي □б- الَّذِينَ
3. нозил қилди: □а- أَنزَلْنَا □б- أَنزَلَ
4. аниқ ҳужжатлар: □а- بَيِّنَةٌ □б- بَيِّنَاتٌ
5. огоҳлантирувчи: □а- نَذِيرٌ □б- بَشِيرٌ

Қайси таржима тўғри?

1. لَقَدْ جاءَكَ الْحَقُّ:

□а- Ҳақиқатан, ҳақ сенга келди.
□б- Дарҳақиқат, ҳақ сенинг томонингдан келди.

2. فَاَرْسَلْنَا فِيهِمْ رَسُولاً مِنْهُمْ:

□а- Бас, улар орасида уларнинг ўзидан (бўлган) бир элчини юбордик.
□б- Демак, бир элчини улар томонига юбордик.

3. هُوَ الَّذى اَنزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ:

□а- У Китобни сизга нозил қилгандир.
□б- У шундай Зотдирки, Китобни сизга юборди.

4. وَ لَقَد اَرْسَلنَا مُوسَى بِآيَاتِنَا:

□а- Аниқки, Мусони оят-мўъжизаларимиз билан юбордик.
□б- Муҳаққақ, оят-мўъжизаларимизни Мусога нозил қилдик.

5. وَ[1] لَقَدْ اَنزَلْنَا اِلَيْكَ آيَاتٍ[2] بَيِّنَاتٍ:

□а- Шубҳасиз, аниқ-ошкор ҳужжатларни сизга юбордик.
□б- Дарҳақиқат, аниқ-ошкор ҳужжатларни сизга нозил қилдик.

---

1. Баъзан «وَ» ҳарфи таржима қилинмайди.
2. آيَاتٍ بَيِّنَاتٍ: аниқ-ошкор ҳужжатлар.

Қайси ибора тўғри?

1. Дарҳақиқат, бир элчи сизларга келди:
   □а- قَدْ جاءَكُمْ رَسُولُنَا
   □б- قَدْ جاءَكُمْ رَسُولٌ
2. Кофир бўлган кимсаларга дегин:
   □а- قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُواْ
   □б-قَالَ الَّذِينَ كَفَرُواْ□
3. Ва сизлар ундан ғофилдирсиз:
   □а- كَانُوا عَنْهَا غَافِلِينَ
   □б- وَ اَنْتُمْ عَنْهُ غَافِلُونَ
4. Улар шундай кишилардирки, кофир бўлдилар:
   □а- أُولَئِكَ الَّذِينَ كَفَرُواْ
   □б- إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُواْ
5. Ва шубҳасиз, элчиларимиз аниқ ҳужжатлар билан уларга келдилар:
   □а- وَ لَقَدْ جاءَتْهُمْ رُسُلُهُمْ بِالْبَيِّنَاتِ
   □б- وَ لَقَدْ جاءَتْهُمْ رُسُلُنا بِالْبَيِّنَاتِ

**Иккинчи машқ**: Дарсда келтирилган Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб таржима қилинг:

**Учинчи машқ**: Қуйидаги саволларга Қуръон иборалари билан жавоб беринг:

1. Кимлар зиён кўргувчи кишилардир?

2. Кўп инсонлар Оллоҳнинг оятларига нисбатан қандай ҳолда бўлурлар?

3. Оллоҳ таоло ўз элчиларини нималар билан юборган?

4. Оллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ни қайси сифатлар билан таништирган?

# 10

## Пайғамбарлар даъвати

Оллоҳ таоло пайғамбарларни инсонлар орасидан танлаган. Барча пайғамбарлар ҳалқни Оллоҳнинг ибодатига чорлаб, Унинг азобидан қўрқишга даъват этганлар.

Оллоҳ таоло Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида пайғамбарлар даъвати борасида сўз юритган. Турли хил замонлар ва сарзаминларда яшаб ўтган барча пайғамбарлар бир сўзга эга бўлиб, инсонларни бир нарсага даъват қилганлар ва уларнинг даъватида ҳеч қандай ихтилоф бўлмаган. Пайғамбарлар бир даъватга эга бўлганликлари, улар Ягона Оллоҳ томонидан юборилган инсонлар эканини билдиради. Гарчи пайғамбарлар турли хил қавмлардан бўлсаларда, лекин Оллоҳ уларнинг барчасини бир динга эга бўлган бир умматдан эканликларини уқдириб, Ўзини Ягона Парвардигор ва ҳамма инсонларнинг Эгаси деб бизларга таништиради ва барчани Ўзининг ибодатига буюради.

Инсонлар Оллоҳга ибодат қилиш ва Унинг азобидан сақланишдан ташқари, пайғамбарларга эргашишлари лозим. Улар ниманики инсонларга етказсалар, инсонлар ҳаётлик чоғларида ўшани амалга оширишлари билан

гуноҳлари кечирилиб, жонлари покиза бўлган ҳолда нажот топгайлар.

Инсонларнинг бир гуруҳи пайғамбарларга имон келтирмай, фақатгина фоний дунёнинг зебу зийнатлари билан машғул бўладилар. Бундай кофир ва мушрик кимсаларга Қиёмат кунида жаҳаннам оловидан бошқа нарса насиб этмагай.

Юқорида ўрганилган маъноларни Қуръон оятларидан изланг.

Қуйидаги Қуръон ибораларини ўқиб, таржима қилинг:

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Оли Имрон \51 | إِنَّ اللهَ رَبِّ وَ رَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ: |
| 2. | Тавба\128 | لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ: |
| 3. | Оли Имрон\136 | أُوْلَئِكَ جَزَآؤُهُم مَّغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَ جَنَّاتٌ: |
| 4. | Ҳуд\16 | أُوْلَئِكَ الَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلاَّ النَّارُ: |
| 5. | Шуаро\107-108 | إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ فَاتَّقُواْ اللهَ وَ أَطِيعُونِ: |
| 6. | Анбиё\92 | إِنَّ هَذِهِ أُمَّتُكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَ أَنَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُونِ: |
| 7. | Муҳаммад\33 | يَاأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُواْ أَطِيعُواْ اللهَ وَ أَطِيعُواْ الرَّسُولَ: |
| 8. | Мўъминун\23 | وَ لَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَى قَوْمِهِ فَقَالَ يَاقَوْمِ اعْبُدُواْ اللهَ: |
| 9. | Моида\72 | وَ قَالَ الْمَسِيحُ يَابَنِي إِسْرائِيلَ اعْبُدُواْ اللهَ رَبِّي وَ رَبَّكُمْ: |
| 10. | Байийина\6 | إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُواْ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ وَ الْمُشْرِكِينَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ: |

Қуйидаги сўзларнинг маъноларини ўрганиб, уларни ёдингизда сақланг:

# Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | жазо, мукофот | جَزَاء | 42 |
| 2. | боғлар, биҳиштлар, жаннатлар | جَنَّات | 147 |
| 3. | амин, ишончли | أَمِين | 14 |
| 4. | уммат, гуруҳ, миллат | أُمَّة | 51 |
| 5. | бир, ягона | وَاحِد، وَاحِدَة | 31 |
| 6. | ҳазрати Яъқубнинг бошқа исми | إِسرائِيل | 43 |
| 7. | яхши, солиҳ, лойиқ | صالِح | 110 |

# Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | ибодат қилинглар, бандалик қилингиз, сиғинингиз | أُعْبُدُوا | 31 |
| 2. | ўзингиз | أَنفُسُكُمْ | 153 |
| 3. | эмас, йўқ | لَيْسَ | 74 |
| 4. | олов, жаҳаннам олови | نَارٌ | 145 |
| 5. | қўрқингиз, тақволи бўлингиз | اِتَّقُوا | 83 |
| 6. | итоат қилингиз, бўйин сунингиз | أَطِيعُوا | 30 |
| 7. | бу | هَذِهِ | 43 |
| 8. | ўғиллар, фарзандлар | بَنِي، بَنِينَ ، بَنُو ، بَنُونَ | 74 |
| 9. | аҳли китоб, яҳудийлар ва масиҳийлар | أَهْلِ الْكِتَابِ | 32 |
| 10. | мушрик, Оллоҳга ширк келтирган кимса | مُشْرِك | 49 |

Ушбу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 1152 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Тўғри жавобларни белгиланг.
Қайси маъно тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | □а- у | □б- бу | هَذِهِ: |
| 2. | □а- азоб | □б- олов | نَارٌ: |
| 3. | □а- биҳишт | □б- жаннатлар | جَنَّةٌ: |
| 4. | □а- ибодат қилдилар | □б- ибодат қилингиз | اُعْبُدُوا: |
| 5. | □а- мукофот | □б- мукофотлар | جَزَاءٌ: |

Қайси сўз тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | қўрқингиз: | □а- اِتَّقُونِ | □б- اِتَّقُوا |
| 2. | фарзандлар: | □ а- بَنُو | □б- اِبنْ |
| 3. | яҳудийлар ва масиҳийлар: | □а- أَهْلُ الْكِتَابِ | □б- مُشْرِك |
| 4. | ўзингиз: | □а- أَنفُسُهُمْ | □б- أَنفُسُكُمْ |
| 5. | ишончли : | □а- أَمِين | □б- أُمَّة |

Қайси таржима тўғри?

1. فَإِنَّ لَهُ نَارَ جَهَنَّمَ:

□а- Албатта, у жаҳаннам олови учундир.

□б- Зотан, жаҳаннам олови у учундир.

2. وَ أَنَا رَبُّكُمْ فَاتَّقُونِ:

□а- Ва Мен Парвардигорингиздирман, бас, тақволи бўлингиз.

□б- Ва Мен сизларнинг Парвардигорингиздирман, демак, мендан қўрқингиз.

3. ذَالِكَ جَزآءُهُمْ بِأَنَّهُمْ[1] كَفَرُوا بِآيَاتِنَا:

□а- Бу Бизнинг оятларимизга кофир бўлганларининг жазосидир.

□б- Бу уларнинг жазосидир, зеро улар оятларимизга кофир бўлишди.

4. يَا بَنِي اِسْرائِيلَ اِنِّى رَسُولُ اللهِ اِلَيْكُمْ:

□а- Эй бани Исроил, албатта мен сизларга (юборилган) Оллоҳнинг элчисидирман.

□б- Эй фарзандларим, зотан, ҳазрати Яъқуб Оллоҳнинг сизларга (юборилган) элчисидир.

5. قالَ يا نُوحُ اِنَّهُ لَيْسَ مِنْ اَهْلِكَ اِنَّهُ عَمَلٌ غَيْرُ صَالِحٍ:

□а- Деди: Эй Нуҳ, албатта у (ўғлинг) сенинг аҳлингдан эмас! Зотан у (нинг қилмиши) носолиҳ амалдир.

□б- Нуҳ деди: (Эй фарзандим) сен менинг хонадонимдан эмасдирсан, албатта, сен нолойиқ иш қилгансан.

Қайси ибора тўғри?

1. Парвардигорларининг ҳузурида жаннатлар бор:

□а- أُولَئِكَ لَهُمْ جَنَّاتٌ

□б- عِنْدَ رَبِّهِمْ جَنَّاتٌ

2. Албатта улар дўзах эгаларидирлар:

□а- اَنَّهُمْ اَصْحَابُ النَّارِ

□б- اِنَّكَ مِنْ اَصْحَابِ النَّارِ

3. Эй имон келтирган кишилар, Оллоҳдан қўрқингиз:

□а- يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُواْ اتَّقُوا اللهَ

□б- يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُواْ اتَّقُوا رَبَّكُمْ

---

1. Гоҳида « بِـ » ҳарфи «зеро», «чунки», «шу туфайли» маъноларини англатади.

4. Дўзах олови кофир бўлганлар учундир:
   □а- وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ
   □б- ذَلِكَ جَزاءُهُمْ جَهَنَّمُ بِمَا كَفَرُوا
5. Оллоҳдан қўрқингиз, У шундай Зотдирки, сизлар Унга имон келтиргандирсиз:
   □а- وَاتَّقُوا اللّٰهَ اِنْ كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ
   □б- وَاتَّقُوا اللّٰهَ الَّذِى اَنْتُمْ بِهِ مُؤْمِنُونَ

**Иккинчи машқ**: Дарсда келтирилган Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Мўъминлар кимларга итоат қилишлари лозим?

2. Оллоҳ ҳазрати Нуҳ(а.с) га унинг фарзанди борасида нима деди?

3. Ҳазрати Исо Масиҳ(а.с) бани Исроил қавмини нимага даъват этди?

4. Оллоҳнинг жазоси аҳли китобдан бўлган кофирлар ва мушриклар учун нима бўлур?

# 11

## Қуръон – ҳидоят йўли ва абадий мўъжиза

Пайғамбарларнинг оят-мўъжизаларга эга бўлганликлари улар Оллоҳ билан алоқада эканликларига очиқ-ойдин далилдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.а) нинг мангу мўъжизалари Қуръони Карим бўлиб, Оллоҳ таоло ушбу китобни Пайғамбаримизга инсонлар жаҳолат, нодонлик ҳамда ҳавои нафснинг қоронғулигидан донолик ва нажот йўли сари ҳидоят бўлсинлар деган мақсадда нозил қилган.

Қуръони Карим барча инсонлар учун нур ва ҳидоят бўлиб, ҳар ким тўғри ва ҳақ йўлни излаб, гуноҳлар ва ёмонликлардан сақланса, Қуръонда кўрсатилган ҳидоят йўлига эриша олади.

Пайғамбаримиз яшаган замонларидаги айрим кофирлар дунё ҳаётига боғланиб, ёмон амаллар билан булғанганликлари туфайли Қуръоннинг ҳидоятидан маҳрум бўлишган. Қуръоннинг юксаклиги олдида ожиз бўлиб қолганликлари сабабли инсонларни алдаб, уларни гумроҳ қилиш мақсадида, ушбу Илоҳий Китобни сеҳр ва жодуга чиқаришган. Қуръони Карим инсонларни фикр

юритишга чорлаб, шундай буюради: “Агар ушбу Китоб Оллоҳ томонидан бўлмаганида эди, албатта унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар”.

Ушбу маъноларни Қуръон оятларидан излаймиз:

Қуйидаги Қуръон ибораларини ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Қадр\1 | إِنَّا أَنزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ: |
| 2. | Зумар\41 | إِنَّا أَنزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ لِلنَّاسِ بِالْحَقِّ: |
| 3. | Анбиё\107 | وَ مَا أَرْسَلْنَاكَ إِلاَّ رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ: |
| 4. | Каҳф\7 | إِنَّا جَعَلْنَا مَا عَلَى الْأَرْضِ زِينَةً لهَا: |
| 5. | Тавба\38 | فَمَا مَتَاعُ الْحَيَوةِ الدُّنْيَا فِي[1] الآخِرَةِ إِلاَّ قَلِيلٌ: |
| 6. | Муҳаммад\24 | أَ فَلاَ يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْءَانَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا: |
| 7. | Исро\82 | وَ نُنَزِّلُ مِنَ الْقُرْءَانِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَ رَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ |
| 8. | Саба\43 | وَ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُواْ لِلْحَقِّ لَمَّا جَآءَهُمْ إِنْ هَذَا إِلاَّ سِحْرٌ مُّبِينٌ: |
| 9. | Иброҳим\1 | كِتَابٌ أَنزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ: |
| 10. | Нисо\82 | أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْءَآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِندِ غَيْرِ اللهِ لَوَجَدُواْ فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا |

Қуйидаги сўзларининг маъноларини ўрганиб, уларни ёдингизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | қадр, ўлчов, миқдор | قَدْر، قَدَر | 18 |
| 2. | китоб, Қуръон | كِتَاب | 255 |
| 3. | зийнат, безак | زِينَة | 19 |

1. Бу ерда «فِي» сўзи «олдида», «қаршисида» маъноларини англатади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4. | «قَلب» нинг кўплик шакли, диллар, кўнгиллар | قُلُوب | 132 |
| 5. | шифо | شِفَاءٌ | 4 |
| 6. | қоронғуликлар, зулматлар | ظُلُمَات | 23 |
| 7. | нур, ёруғлик | نُورٌ | 43 |
| 8. | -дан бошқа, -дан ўзга | غَيْر | 147 |
| 9. | муборак, баракотли | مُبارَك ، مُبارَكَة | 16 |

# Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | кеча | لَيْل ، لَيْلَة | 88 |
| 2. | йўқ, эмас, нарса, нарсалар, нима | ما | 2530 |
| 3. | қилиб қўйдик, қилдик, вужудга келтирдик | جَعَلْنَا | 113 |
| 4. | -ми, савол юкламаси | أَ | 497 |
| 5. | фикр юритмайдилар | لا يَتَدَبَّرُونَ | 2 |
| 6. | ёки, ёхуд | اَمْ | 137 |
| 7. | қулфлар | اَقفَال | 1 |
| 8. | нозил қиламиз, ёғдирамиз, туширамиз | نُنَزِّلُ | 4 |
| 9. | вақтда, пайтда | لَمَّا | 164 |
| 10. | чиқарасиз, олиб чиқарасиз, олиб чиқишингиз | تُخْرِجَ | 5 |
| 11. | агар, агарчи, кошки | لَوْ | 277 |
| 12. | топдилар, топган бўлар эдилар | وَجَدُوا | 4 |

Ушбу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 4475 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | □а- ёки | □б- йўқ | ما: |
| 2. | □а- кеча | □б- кундузи | لَيْل: |
| 3. | □а- йўқ эди | □б- агар бўлганида эди | لَوْ كانَ: |
| 4. | □а- қоронғулик | □б- зулматлар | ظُلُمَات: |
| 5. | □а- қилиб қўйдик | □б- юбордик | جَعَلْنَا: |

Қайси сўз тўғри?

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | -ми: | □а- أَ | □б- اَمْ |
| 2. | Вақтда: | □а- لَمَّا | □б- لَوْ |
| 3. | Олиб чиқаришингиз учун: | □а- لا تُخْرِجُ | □б- لِتُخْرِجَ |
| 4. | Сизни юбордик: | □а- اَرْسَلْنَاكَ | □ б- مَا اَرْسَلْنَاكَ |
| 5. | Албатта топган бўлардилар: | □а- لَوْ وَجَدُوا | □б- لَوَجَدُوا |

Қайси таржима тўғри?

1. إِنَّا أَنزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةٍ مُبارَكَةٍ:

□а- Албатта биз уни муборак кеча қилиб қўйдик.
□б- Албатта биз уни муборак кечада нозил қилдик.

2. وَما نُنَزِّلُهُ اِلاَّ بِقَدَرٍ مَعْلُومٍ:

□а- Ва юборадиган нарсамиз аниқ ўлчов биландир.
□б- Ва Биз уни туширмаймиз, магар аниқ ўлчов билан (туширурмиз).

3. قالَ فِرعَونُ وَ ما رَبُّ العالَمِينَ:

□а- Фиръавн деди: Мен оламлар парвардигоридирман.
□б- Фиръавн деди: Оламлар парвардигори нимадир.

4. اِنَّا جَعَلْنَا مَا عَلَى الْأَرْضِ زِيْنَةً لَهَا:

□а- Зотан, Биз ер устидаги нарсани у учун зийнат қилиб қўйдик.

□б- Албатта, Биз ердаги нарсаларни безак қилиб қўйдик.

5. مَا لَكُمْ مِنْ[1] اِلَهٍ غَيْرُهُ:

□а- Сизлар учун Ёлғиз Оллоҳ бордир.

□б- Сизлар учун Ундан бошқа Худо йўқ.

Қайси ибора тўғри?

1. Ва уни оламлар учун оят-мўъжиза қилиб қўйдик:

□а- وَ جَعَلْنَاهَا آيَةً لِلْعَالَمِينَ

□б- وَ جَعَلْنَاهُمْ لِلنَّاسِ آيَةً

2. Тангрингиз фақат Ягона Оллоҳдир:

□а- لا اِلَهَ اِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ

□б- اِنَّمَا اِلَهُكُمْ اِلَهٌ وَاحِدٌ

3. Ва кофир бўлган кимсалар дедилар: Бу очиқ-ойдин сеҳрдан бошқа нарса эмас:

□а- وَ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُواْ إِنْ هَذَا إِلَّا سِحْرٌ مُّبِينٌ

□б- وَ قَالَ الَّذِينَ كَفَرُواْ هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ

4. Ва Биз сизни оламларга фақатгина раҳмат қилиб юбордик:

□а- وَ مَا أَرْسَلْنَاكَ إِلاَّ رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

□б- وَ أَرْسَلْنَاكَ رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

5. Ва бу Биз нозил қилган муборак Китобдир:

□а- كِتَابٌ اَنْزَلْنَاهُ اِلَيْكَ مُبَارَكٌ

□б- وَ هَذا كِتَابٌ اَنْزَلْنَاهُ مُبَارَكٌ

---

1. «مِنْ» ҳарфи ушбу жумлада ортиқча бўлиб, таржимада тушиб қолдирилади, лекин маънони таъкидлаб келади.

**Иккинчи машқ**: Дарсда келтирилган Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, саволларга жавоб беринг:

1. Қуръони Карим қайси вақт нозил бўлган?

2. Оллоҳ таоло Қуръони Каримни мўъминлар учун нима деб таништиради?

3. Ҳаёти дунё матоси охират олдида қандай ҳисобланади?

4. Оллоҳ таъоло муқаддас Пайғамбаримизни оламлар учун нима деб билади?

5. Қуръони Карим Оллоҳ томонидан нозил бўлган китоб эканлигига қандай далил бор?

# 12

## Оллоҳ яхшироқми ёки мушриклар ибодат қиладиган нарсалармии?

Қуръони Карим турли хил услублар билан инсонларнинг назарини Оллоҳ таоло Ёлғиз Зот эканлигига жалб қилади. Бу дарсда ўрганиладиган оятларда Оллоҳ ўзининг неъматларини баён қилиш билан мушриклардан “Чинакам «Оллоҳ» яъни, Ягона Зот яхшироқми ёки сизлар Унга шерик қилаётган нарса (бут)лармии?” деб сурайди.

Оллоҳ шундай Зотдирки, ер ва осмонларни яратган.

У шундай Зотдирки, пок ва зилол сув ва ёмғирни бизлар учун осмондан ёғдиради ва у (сув) билан ям-яшил яшнаб турган боғ-роғлар ва бўстонларни ундиради.

У шундай Зотдирки, ерни яшаш учун қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёларни оқизган, баланд ва мустаҳкам тоғларни тутқи қилиб, унда ўрнатган.

Оллоҳ шундай Зотки, биёбон ва денгизларнинг қоронғу кечаларида йўлдан адашмаслик учун юлдузларни йўл кўрсатгувчи қилиб қўйган.

Оллоҳнинг ёнида яна бошқа бир худони тасаввур қилиб бўладими?

Оллоҳ таоло уларнинг Унга шерик қилиб олган нарсаларидан юксакдир.

Ушбу Худошуносликка оид бўлган маъноларни дарсда ўрганиладиган оятлардан излаймиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Намл\59 | ءَآللهُ[1] خَيْرٌ أَمَّا[2] يُشْرِكُونَ: |
| 2. | Намл\60 | أَمَّنْ[3] خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضَ وَ أَنزَلَ لَكُم مِّنَ السَّمَاءِ مَاءً: |
| 3. | Намл\61 | أَمَّن جَعَلَ الْأَرْضَ قَرَارًا وَ جَعَلَ خِلَالَهَا أَنْهَارًا: |
| 4. | Намл\63 | أَمَّن يَهْدِيكُمْ فِي ظُلُمَاتِ الْبَرِّ وَ الْبَحْرِ: |
| 5. | Намл\63 | أَءِلَهٌ مَّعَ اللهِ تَعَالَى اللهُ عَمَّا[4] يُشْرِكُونَ: |
| 6. | Намл\65 | قُل لَّا يَعْلَمُ مَن فِي السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلاَّ اللهُ: |
| 7. | Нур\46 | وَ اللهُ يَهْدِى مَن يَشَاءُ إِلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ: |
| 8. | Талоқ\3 | قَدْ جَعَلَ اللهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا: |
| 9. | Аҳзоб\4 | وَ اللهُ يَقُولُ الْحَقَّ وَ هُوَ يَهْدِى السَّبِيلَ: |
| 10. | Анбиё\30 | وَ جَعَلْنَا مِنَ الْمَاءِ كُلَّ شَيْءٍ حَيٍّ أَ فَلَا يُؤْمِنُونَ: |

---

1. ءَآللهُ = أ + الله
2. اَمَّا = اَم + مَا
3. مَّن = اَم + مَنْ
4. عَمَّا = عَنْ + مَا

Қуйидаги сўзларнинг маъноларини ўрганиб, уларни ёдингизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | қароргоҳ, осойишта макон | قَرار | 9 |
| 2. | ўртаси, ораси | خِلال | 7 |
| 3. | дарёлар, (бирлик шакли: نَهْر) | اَنْهَار | 51 |
| 4. | қуруқлик | بَرُّ | 12 |
| 5. | денгиз | بَحْر | 33 |
| 6. | йўл | صِراط | 45 |
| 7. | тўғри, рост | مُسْتَقِيم | 37 |
| 8. | тирик, жонли | حَيّ | 19 |

## Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | ширк келтирадилар, (Оллоҳга) шерик қилиб оладилар | يُشْرِكُونَ | 20 |
| 2. | ким, кимки, жонзот, кимса | مَنْ | 861 |
| 3. | яратди | خَلَقَ | 94 |
| 4. | сув | مَاءٌ | 63 |
| 5. | қилди, қилиб қўйди, вужудга келтирди | جَعَلَ | 105 |
| 6. | ҳидоят қилади, ҳидоят йўлига бошлайди | يَهْدِى | 73 |
| 7. | юксак ва буюкдир (ёки бўлур) | تَعَالَى | 14 |
| 8. | билади, билса | يَعْلَمُ | 104 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9. | истайди, хоҳлайди, истаса, хоҳласа | يَشَاءُ | 126 |
| 10. | дейди, айтади, деса, айтса | يَقُولُ | 68 |
| 11. | йўл | سَبِيل | 166 |
| 12. | имон келтирадилар | يُؤْمِنُونَ | 105 |

Ушбу дарснинг таниш ва янги сўзлари Қуръонда 2012 марта такрорланган ҳолда келган.

# Машқлар

**Биринчи машқ**: Қуйидаги тўғри жавобларни белгиланг.

Қайси маъно тўғри?

1. □а- ким □б- нима :مَنْ
2. □а- денгиз □б- қуруқлик :بَرّ
3. □а- қилиб қўйди □б- яратди :جَعَلَ
4. □а- билади □б- истайди :يَشَاءُ
5. □а- сув □б- Ер :مَاءٌ

Қайси сўз тўғри?

1. денгиз: □а- بَحْر □б- بَرّ
2. яратди: □а- جَعَلَ □б- خَلَقَ
3. дейди: □а- يَقُولُ □б- يَعْلَمُ
4. ҳидоят қилади: □а- يَهْدِى □б- يَشَاءُ
5. юксакдир: □а- تَعْلَمُ □б- تَعَالَى

Қайси таржима тўғри?

1. قُلْ هَذِهِ سَبِيلِي:

□а- Дегин: Бу тўғри йўлдир.
□б- Дегин: Бу менинг йўлимдир.

2. اَفَبِالْبَاطِلِ يُؤْمِنُونَ:

□а- Демак, ботил(ноҳақ)га имон келтирадиларми?
□б- Бас, ботилга имон келтирасизларми?

3. وَ قُلْ لِلَّذِينَ لا يُؤْمِنُونَ:

□а- Ва айтгин шундай кишиларгаки, имон келтирмайдилар.
□б- Ва дегин шундай кишиларгаки, имон келтирмадилар.

4. وَ اللهُ يَعْلَمُ اِنَّكَ لَرَسُولُهُ:

□а- Ва Оллоҳ биладики, дарвоқе, Унинг элчиси кимдир.
□б- Ва Оллоҳ биладики, дарвоқе, сиз Унинг элчисидирсиз.

5. قُلْ لِمَنِ الْأَرْضُ وَ مَنْ فِيهَا:

□а- Айтгин: Ер ва ундаги жонзот ким учундир.
□б- Айтинг: Ер ва ундаги кимсалар У учундир.

Қайси ибора тўғри?

1. Оллоҳ уни билади:

□а- يَعْلَمُهُ اللهُ
□б- قَدْ يَعْلَمُ اللهُ

2. Улар унга имон келтирадилар:

□а- أُولَئِكَ يُؤْمِنُونَ بِهِ
□б- أُولَئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ

3. Ва Оллоҳ кимники истаса, тўғри йўлга ҳидоят қилади:

□а- وَ يَهْدِى مَنْ يَشَاءُ اِلَى صِراطٍ مُسْتَقِيمٍ
□б- وَ اللهُ يَهْدِى مَنْ يَشَاءُ اِلَى صِراطٍ مُسْتَقِيمٍ

4. Албатта Оллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмайди:
□а- اِنَّ اللّٰهَ لا يَهْدِى الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ
□б- اِنَّ اللّٰهَ لا يَهْدِى الْقَوْمَ الكافِرِينَ

5. Ва шундай кишиларки, улар Бизнинг оятларимизга имон келтирадилар:
□а- وَالَّذِينَ هُمْ بِآيَاتِنَا يُؤْمِنُونَ
□б- وَالَّذِينَ هُمْ بِآيَاتِ رَبِّهِمْ يُؤْمِنُونَ

**Иккинчи машқ**: Дарсда келтирилган Қуръон ибораларини диққат билан ўқиб, таржима қилинг.

**Учинчи машқ**: Дарсда ўрганилган Қуръон иборалари ва машқлардан фойдаланиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ким фақат ғайб сирларидан огоҳ?

2. Оллоҳ таоло кимларни ҳидоят қилмайди?

3. Оллоҳ таоло ҳар бир жонли мавжудотни нимадан вужудга келтирган?

4. Ҳақни айтадиган ва тўғри йўлни кўрсатадиган Зот кимдир?

# 13

## Олам - Оллоҳнинг белгиси

Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида ер ва осмонларнинг яратилиши, кеча ва кундуз алмашиб туришининг ҳикмати баён қилинган.

Қуръони Карим инсонларни ушбу оят-мўъжизалар хусусида фикр юритишга чорлайди. Ёмон ва ножўя ҳаракатлар ва кирдикорлардан узоқлашадиган инсонлар, Оллоҳнинг оятларига имон келтирадилар. Ёмон амаллардан сақланмайдиган кимсалар эса Оллоҳнинг оятларига имон келтирмай, кофир бўлишади. Бундай тоифадаги кишилар ер ва осмонларнинг яратилишини беҳуда-бемақсад деб ўйлаб, фақат дунё ҳаётининг ташқи кўриниши билан кифояланиб қоладилар. Улар дунёда ҳаёт кечиришдан мақсад нима эканлигини тушуниб етолмасдан, охират ҳаётига нисбатан ғофил-бехабар бўлиб гангиб юраверадилар.

Оллоҳ таоло бундай кишиларга аламли азобни ваъда берган.

Қуръони Карим инсонлардан барча нарсаларни яратган Парвардигорга ибодат қилишларини ва шунинг

билан ҳидоят ва тақво йўлидан бориб, саодатга эришишларини истайди.

Ушбу ўрганилган маъноларни дарсда ўрганиладиган Қуръон оятларидан қидирамиз.

Қуйидаги Қуръон ибораларини ўқиб, таржима қилинг.

بِسْمِ اللهِ الرَّحْمنِ الرَّحيم

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Анъом\1 | اَلْحَمْدُ لِلهِ الَّذِى خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضَ وَ جَعَلَ الظُّلُمَاتِ وَ النُّورَ: |
| 2. | Намл\104 | إِنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللهِ لَا يَهْدِيهِمُ اللهُ وَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: |
| 3. | Тағобун\2 | هُوَ الَّذِى خَلَقَكُمْ فَمِنْكُمْ كَافِرٌ وَ مِنْكُمْ مُّؤْمِنٌ وَ اللهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ: |
| 4. | Ҳужурот\16 | وَ اللهُ يَعْلَمُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَ مَا فِي الْأَرْضِ وَ اللهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ: |
| 5. | Ғофир\57 | لَخَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ أَكْبَرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ وَ لَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ: |
| 6. | Рум\8 | مَا خَلَقَ اللهُ السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضَ وَ مَا بَيْنَهُمَا إِلاَّ بِالْحَقِّ |
| 7. | Бақара\21 | يَأَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُواْ رَبَّكُمُ الَّذِى خَلَقَكُمْ وَ الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ: |
| 8. | Рум\7 | يَعْلَمُونَ ظَاهِرًا مِّنَ الْحَيٰوةِ الدُّنْيَا وَ هُمْ عَنِ الْآخِرَةِ هُمْ غَافِلُونَ: |
| 9. | Юнус\6 | إِنَّ فِي اخْتِلَافِ الَّيْلِ وَ النَّهَارِ وَ مَا خَلَقَ اللهُ فِي السَّمَاوَاتِ وَ الْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَّقُونَ: |
| 10. | Сод\27 | وَ مَا خَلَقْنَا السَّمَاءَ وَ الْأَرْضَ وَ مَا بَيْنَهُمَا بَاطِلًا ذَالِكَ ظَنُّ الَّذِينَ كَفَرُواْ فَوَيْلٌ لِّلَّذِينَ كَفَرُواْ مِنَ النَّارِ: |

Қуйидаги сўзларнинг маъноларини ўрганиб, уларни ёдингизда сақланг.

## Таниш сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | лекин, бироқ | لَكِنَّ | 65 |
| 2. | кўп | أَكْثَر | 80 |
| 3. | зоҳир, ошкор, юзаки қисми | ظَاهِر | 8 |
| 4. | ўртасида, орасида | بَيْن | 266 |
| 5. | олдин, илгари | قَبْل | 242 |
| 6. | алмашиб туриш, ихтилоф | اِخْتِلَاف | 7 |
| 7. | гумон | ظَنّ | 20 |
| 8. | фармон, амр, буйруқ, иш | اَمْر | 153 |
| 9. | кейин, сўнг | بَعْد | 199 |

## Янги сўзлар

| қатор | маънолар | сўзлар | сон |
|---|---|---|---|
| 1. | аламли, дардли | أَلِيم | 72 |
| 2. | амал қиласизлар, бажарасизлар | تَعْمَلُونَ | 83 |
| 3. | кўрувчи, кўриб турувчи | بَصِير | 53 |
